$\omega_s(t)$ – текущая частота питающего напряжения,

ω_{nn} – питающее напряжение,

\vec{V} – вектор управляющих параметров регулятора частоты питающего напряжения,

Q_2, p_2 – известные расход и давление в точке трубопровода на расстоянии Δx от начала трубопровода в момент времени $t - \Delta t$,

Δx – величина шага характеристик [1],

t – текущий момент времени, причем $\Delta t = \Delta x C^{-1}$ [1],

$n \cdot Q_{cp} \cdot |Q_{cp}|$ – потери давления на участке Δx ,

Z_1 – коэффициент, показывающий направление течения жидкости в начале трубопровода.

Граничные условия в начале трубопровода насосной установки имеют вид:

$$\left. \begin{aligned} p_n &= p_1 \\ Q_n &= Q_1 \end{aligned} \right\}$$

при $Z_1 > 0$, где Q_n, p_n – расход и давление насосного агрегата. $Q_n = 0$ при $Z_1 < 0$.

Момент на валу двигателя насосного агрегата определяется из выражения:

$$M_n = \frac{Q_n p_n}{w(U(w_s(t))) \eta_n (w(U(w_s(t))))}$$

где $\eta_n(w(U(w_s(t))))$ – коэффициент полезного действия насоса.

Приведенная выше система уравнений совместно с моделью асинхронного электродвигателя и динамических процессов в напорном трубопроводе позволяет построить имитационную модель, которая показана на рисунке 1, позволяющая определить вектор имитационной модели регулирования при этом использован программный комплекс «Matlab» на основе стандартных процедур. На основе этой модели можно анализировать динамические свойства системы управления электродвигатель-насосный агрегат-напорный трубопровод и синтезировать алгоритм нечеткого регулирования давлением в трубопроводе. Необходимо отметить что система – электродвигатель-насосный агрегат-напорный трубопровод представляет собой сложный объект с распределенными параметрами и различными инерционными свойствами всех трех составляющих частей этой системы. В частном случае вектор \vec{V} может представлять величину $w_s(t)$ – частоту питающего напряжения электродвигателя. Распространенным устройством управления в этих системах являются пропорционально-интегральные-дифференциальные (ПИД) регуляторы, которые имеют передаточную

и разновидностью метода диффазификации. В настоящее время широко используются такие алгоритмы нечеткого вывода: Мамдани, Сугено, Ларсена, Цукамото [2,3].

Решение задач математического моделирования сложных систем с применением аппарата нечетких множеств требует выполнения большого объема операций над разного рода лингвистическими и другими нечеткими переменными. Для удобства исполнения операций, а также для ввода-вывода и хранения данных, желательно работать с функциями принадлежности. Правила в теории нечетких систем представляют собой базу знаний, формируемую в виде

- P_1 : если x есть A_1 , тогда y есть B_1 ,
- P_2 : если x есть A_2 , тогда y есть B_2 ,

.....
 P_n : если x есть A_n , тогда y есть B_n ,
 где x – входная переменная (имя для известных значений данных), y – переменная вывода(имя для значения данных, которое будет вычислено); A и B – функции принадлежности, определенные соответственно на x и y .

Процесс автоматической регуляторы с помощью блока нечеткой логики начинается с поиска начальных прибли-




Рис. 1. Имитационная модель системы электродвигатель-насос-напорный трубопровод с ПИД регулятором

функцию: $W(p) = K_u + \frac{T_i}{p} + T_d p$, где K_u, T_i, T_d – коэффициенты.

Для их определения можно применять нечеткое управление, которое используется при недостаточном знании объекта управления, но наличии опыта управления им.

Методы решения задачи. Нечеткая логика в ПИД-регуляторах используется преимущественно двумя путями: для построения самого регулятора и для организации подстройки коэффициентов ПИД-регулятора. Подстройка может быть выполнена автоматически с помощью блока нечеткой логики, который использует базу правил и методы нечеткого вывода [2].

Алгоритмы нечеткого вывода различаются главным образом видом используемых правил, логических операций

жений коэффициентов регулятора K, T_i, T_d . Для настройки можно использовать метод максимального коэффициента усиления. Этот способ применяется, если есть колебательный процесс, при котором значения регулируемой величины значительно выходят за пределы задания, алгоритм настройки следующий. Определяется предельный коэффициент K_{max} усиления, при котором система автоматического регулирования и объект переходят в колебательный режим, т.е. без интегральной и дифференциальной части ($T_d=0, T_i=0$). Вначале $K=0$, затем он увеличивается до тех пор, пока система автоматического регулирования и объект переходит в колебательный режим. Потом определяется период колебаний t_c , вычисляются коэффициенты настройки согласно следующим при-

мерным соотношениям для ПИД-регулятора: $K=0.6 \cdot K_{max}$, $T_i=0.5 \cdot t_c$, $T_d=0.12 \cdot t_c$.

Далее построение нечеткого регулятора проводится поэтапно, сначала выбираются диапазоны входных и выходных сигналов блока автонастройки, форма функций принадлежности искомым параметрам, правила нечеткого вывода, механизм логического вывода, метод дифазификации и диапазоны масштабных множителей, необходимых для пересчета четких переменных в нечеткие.

Вообще говоря, системы с нечеткой логикой целесообразно применять для сложных процессов, когда нет простой математической модели и если знания об объекте или о процессе можно сформулировать только в лингвистической форме.

Основными недостатками систем с нечеткой логикой являются: исходный набор нечетких правил формулируется экспертом-человеком и может оказаться неполным или противоречивым; вид и параметры функций принадлежности, описывающих входные и выходные переменные системы, выбираются субъективно и могут оказывать не вполне отражающими реальную действительность.

Нейронные сети, как и нечеткая логика, используются в ПИД-регуляторах двумя путями: для построения самого регулятора и для построения блока настройки его коэффициентов. Особенностью нейронной сети является способность к «обучению». Регулятор с нейронной сетью похож на регулятор с логическим управлением, однако отличается специальными методами настройки («обучения»), разработанными для нейронных сетей [3,4].

Нейронная сеть состоит из множества связанных между собой нейронов, количество связей может составлять тысячи. Благодаря нелинейности функций активации и большому количеству настраиваемых коэффициентов нейронная сеть может выполнять достаточно точно нелинейное отображение множества входных сигналов во множество выходных.

Возможность обучения – одно из главных преимуществ нейронных сетей перед традиционными алгоритмами. Технически обучение заключается в нахождении коэффициентов связей между нейронами. В процессе обучения нейронная сеть способна выявлять сложные зависимости между входными данными и выходными, а также выполнять обобщение.

При обучении сеть в определенном порядке просматривает обучающую выборку. Для обучения набор исходных данных делится на две части – соответственно обучающую выборку и тестовые данные. Обучающие данные подаются в сети для обучения, а проверочные используются для расчета ошибок сети (проверочные данные никогда для обучения сети не применяются). Таким образом, если на проверочных данных ошибка уменьшается, то сеть действительно выполняет обобщение, если ошибка на тестовых данных увеличивается, значит, сеть перестала выполнять обобщение и просто «запоминает» обучающие данные, в таких случаях обучение обычно прекращают. Качество обучения сети напрямую зависит от количества примеров в обучающей выборке.

Решение задачи. Построение ПИД-регулятора на основе нечеткой логики и нейронной сети и его применение в конкретной задаче проводилось на примере насосной станции, упрощенная схема которой представлена на рисунке 2. Асинхронный двигатель (М) приводит во




Рис. 2. Упрощенная схема насосной станции

вращение центробежный насосный двигатель (НА) типа К-100-65-250 мощностью 45 кВт, с производительностью 100 м³/час, напором 80 м. Регулирующее устройство (УР) представляет собой нейро-нечеткий ПИД-регулятор, который регулирует производительность регулируемым клапаном (КР), установленным на выходе станции.

Информация о положении задвижки (X) и давления на выходе станции (P) поступает в регулирующее устройство, там обрабатывается и формируется соответствующий управляющий сигнал (Up), обеспечивающий стабильную работу установки. Графики переходных процессов изображены на рисунке 3. Из графика переходных процессов




Рис. 3. Графики переходных процессов в системе электродвигатель-насос-напорный трубопровод при закрытии задвижки (конечное положение штока задвижки равным $DH/5$, где DH – диаметр трубопровода, время закрытия – 20 секунд.

видно, что при изменении нагрузки изменяется давление ($p(t)$) в трубопроводе, соответственно изменяется расход ($Q(t)$), при этом регулятор вырабатывает управляющий сигнал на закрытие задвижки ($x(t)$), и далее постоянно удерживает ее положение. Переходной процесс при этом заканчивается за 12 сек, из этого следует что, применение нейронечеткого ПИД-регулятора для стабилизации давления трубопровода при непредвиденном изменении нагрузки обеспечивает высокое быстродействие (14 сек) и точность (меньше 5%) регулирования.

Заключение. В статье предложен один из возможных путей стабилизации давления в трубопроводе на основе

применения достижений современных информационных технологий, т.е. методов теории нечеткой логики и нейронных сетей. На базе этой технологии разработана имитационная модель системы электродвигатель-насос-напорный трубопровод позволяющая анализировать различные производственные ситуации, возникающие в подобных системах. Произведен сравнительный анализ возможности классического ПИД – регулирования и предложенного нейронечеткого алгоритма управления. Анализ показал, что нейронечеткое регулирование обеспечивает высокую стабилизацию давления в трубопроводе без перерегулирования и невысокой статической ошибки.

Список использованной литературы:

1. Динамика электромеханической системы «преобразователь частоты – АД с К.З.Р. – насос» с учетом нестационарного течения жидкости в трубопроводе. Журнал Машиностроение и техносфера XXI века Сборник трудов международной научно технологической конференции в г. Севастополе 12-17 сентября 1995 г., Донецк: ДонНТУ 2005г.,.98.
2. Денисенко В. ПИД-регуляторы: принципы построения и модификации. – Журнал: СТА №4, 2006г., стр.66-74
3. Рутковская Д., Пилинский М., Рутковский Л. Нейронные сети, генетические алгоритмы и нечеткие системы: Пер. с польск. И.Д. Рудинского. –М.: Горячая линия – Телеком, 2006. –452 с.: ил.
4. Васильев В.И., Ильясов Б.Г. – Интеллектуальные системы управления: Теория и практика 2009.-798стр.

УДК: 664.8.036.6

ТОЖ РАЗРЯД ЭЛЕКТР МАЙДОНИ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ЎРГАНИШ УСУЛЛАРИ

А.Д.Рахматов – т.ф.н., доцент,
С.Ш.Ойматова - магистрант
Тошкент ирригация ва мелиорация институти

Аннотация

Мақолада тож разряди электр майдонининг кўрсаткичларини экспериментал ўрганиш йўллари кўриб чиқилган, назарий олинган ҳар бир боғлиқлик экспериментал изланишлар натижалари билан тасдиқланиши зарур. Тож разряд электр майдони ва ионлашган ҳаво муҳит кўрсаткичларини экспериментал изланишларида қўлланиладиган зонд усули методикаси ва техник воситалари кўриб чиқилган. Зонднинг вольт-ампер характеристикасига қараб электр майдон кўрсаткичлари тақсимланиши аниқланиб, ўлчов хатоликлари таҳлил қилинган. Экспериментал изланишлар натижаларига кўра разряд майдонининг асосий характеристикалари олинган.

Abstract

In this article, the learning styles of the indication of the crown rank electric square were observed. Each connection, which was taken theoretically, must be affirmed with the results of experimental researches. Crown rank electric square and the methods of zond way, which is used in the experimental research of ionic air environmental indication and technical resources were observed. The distribution of the indication of electric square was clarified according to the volt-ampere characteristics of zond. The mistakes of measure were analyzed. The main characteristics of the crown rank electric square were built according to the result of experimental researches.

Аннотация

В работе рассмотрены вопросы экспериментального исследования характеристик электрического поля коронного разряда, анализированы способы изучения коронного разряда. Сложность процессов поля коронного разряда требует экспериментального исследования основных их параметров, при этом наиболее приемлемым способом является метод зондовых исследований. Анализированы погрешности измерений при экспериментах, по результатам экспериментальных исследований определены основные характеристики электрического поля коронного разряда.



Кириш. Сув ҳўжалиги объектларида технологик жараёнларни такомиллаштириш ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун электротехнологик усуллар ҳам муҳим омиллардан ҳисобланади. Тож разряди майдонида ҳосил бўлган униполяр ионлар тирик организм сиртида ион қатлам ҳосил қилиб, ундаги модда алмашиниш жараёнларига таъсир қилади, натижада махсулот яхши сақланади ёки авжланиб ривожланади. Электротехнологик жараёнларда кучли электр майдонлар, жумладан тож разряди электр майдонлари кенг қўлланилади. Электр майдон кўрсаткичларини ўрганиш, уларнинг мақбул иш режимларини аниқлаш масалалари ушбу мақолада кўриб чиқилган. Тож разряд электр майдонида бўладиган жараёнларнинг мураккаблиги, ностабиллиги ва тезкор ўзгарувчанлиги майдон кўрсаткичларини ўзаро боғлиқликларини аниқлашда қийинчиликлар туғдиради. Майдоннинг аниқ назарий моделини қуриш мураккаб масала бўлиб қолади. Шу сабабдан тож разряди электр майдонининг кўрсаткичларини ўрганиш учун экспериментал усулларга таянилади. Олинган барча назарий боғланишлар экспериментал изланишлар билан тасдиқланиши керак бўлади. Шундагина олинган назарий натижалар, моделларни амалий фойдаланиш учун қабул қилиш мумкин бўлади. Демак, экспериментал изланишларнинг юқори ишончлиги уларнинг қўлланилишига асос бўлади.

Мақоланинг мазмуни. Экспериментал изланишлар электр майдон кўрсаткичларини аниқлашда юқори аниқликни таъминлай олади. Тож разряди электр майдони кўрсаткичларининг тезкор ўзгарувчанлиги ва контактли усулларнинг қўлланилиши электр майдон конфигурациясини ўзгартириб юбориши улардан фойдаланишни инкор этади, аниқ натижалар фақат контактсиз усулларда намоён бўлади. Шу сабабли тож разряд электр майдони

ва ионлашган ҳаво ҳажмидаги кўрсаткичлар контактсиз, зонд усули ва аспирация усулларидан фойдаланиб ўлчаб олинади. Контактсиз тизимнинг қўлланилиши техник изланишлар учун етарли бўлган минимал хатолик бўлиши таъминлаб беради [1]. Бу усул электр майдон кучланганлиги, ҳажмий зарядлар зичлиги, уларнинг тақсимланиши, электр майдон потенциал миқдорларини аниқлаш имконини беради. Зонд усули электр тож разряди майдони ва ташқи разряд майдони кўрсаткичларини самарали ўлчаш имконини беради. Мева сақлаш омборларида, сувни тозалашда, медицина ва ветеринарияда касаллик тарқатувчи бактериялар ва микроорганизмларни йўқотиш мақсадида асосан униполяр манфий зарядли тож разряди қўлланилади [2]. Униполяр электр майдон кўрсаткичларини аниқлашда зонд усули кўп ҳолларда қўлланилади. Усул ҳар қандай электр майдонлари учун яроқли бўлсада, асосан текис параллел электр майдонларда кўпроқ қўлланилади.

Методикаси. Зонд характеристикалар усулининг методикаси мавжуд адабиётларда етарли аниқликда ёритилган [3,4]. Электр майдонга жойлаштирилган зондга ўрганилаётган тож разряди электр майдони кўрсаткичларидан келиб чиқиб маълум бир потенциал берилади ва ундан ўтаётган ток миқдори ўлчаб олинади. Зонд потенциали ва токи орасидаги боғлиқлик функцияси қурилади. Зонднинг вольт - ампер характеристикаси бўйича электр майдон кучланганлиги ва потенциали аниқланади. Ҳаводаги ионлар концентрация- си аспирация йўли билан аниқланади. Экспериментал изланишларни ўтказиш учун тож разряд қурилмасининг электродлари органик шишадан тайёрланган камера ичига жойлаштирилди ва электр майдоннинг аввалдан белгилаб олинган нуқталарида ўлчов натижалари олинади. Микроамперметр ва осциллограф ёрдамида зонд токи нолга келтирилади,

зондни керакли нуқталарга жойлаштириб, электр майдон потенциали ўлчанади.

Зонднинг волт-ампер характеристикаси тўғри чизиқли ва эгри чизиқли қисмлардан иборат бўлади. Волт-ампер характеристикаси бўйича ионларнинг ҳаракатчанлигини уларнинг зичлигига кўпайтмаси ($k\rho$), қиялиги бўйича эса электр майдон потенциали (φ) аниқланади. Зонд сифатида диаметри d_3 бўлган шар ёки цилиндр олинади. Зонд электр майдонга киритилганида электр майдонининг куч чизиқлари бузилади. Зонднинг қутбланиши натижасида электр майдон кўрсаткичлари ўзгаради. Зонд сиртида электр майдон кучланганлиги:

$$E_3 = 2E_k \cos \alpha \quad (1)$$

Зонд сиртидаги электр майдон кучланганлиги йиғиндиси кўринишда бўлади:


$$E = 2E_k (\cos \alpha - m) \quad (2)$$

бу ерда: q_3 -зонд заряд миқдори,

r_3 - зонд диаметри,

$$m = \frac{-q_3}{4\pi \sum_0 r_3 E_k} \quad (3)$$

бундан келиб чиқиб:



1-расм. Зонд киритилган электр майдон куч чизиқларининг кўриниши

Агар $m > 1$ бўлса, $q_3 < -4\pi \sum_0 r_3 E_k = -q_0$ кўринишда бўлади.

Электр майдон кучланганлиги зонд сирти бўйича бир хил йўналишда бўлиб қолади ва зонд марказига йўналган бўлади (1-расм).

Агар $-1 < m < 1$ бўлса, кучланганлик вектори зонддан ташқарида бўлади ва зондга ионлар тушмайди, зондда ҳажмий зарядлар зичлиги нолга тенг бўлади.

Агар $m < -1$ бўлса, зонддан куч чизиқлари ташқарига йўналган бўлади ва ионлар зондни айланиб ўтиб кетади. Бу ҳолда ҳам зонддаги ионлар нолга тенг бўлади. Зонддаги электр майдон кучланганлигининг йўналишини $E_{(a)} = 0$ шартдан аниқланади, ундан $x_{1,2} = \arccos m$ ифодага эга бўлаемиз.

Зонддаги чизиқли ток миқдори (A_3) унинг характерли нуқталари учун қуйидагича бўлади:

Агар $A_3 = 0$, $m = -1 (q_3 = q_0)$ бўлса, характеристиканинг бошланғич нуқтаси;

агар $A_3 = A_0$, $m = 0 (q = 0)$ бўлса, эгри чизиқли қисмининг ўртасидаги нуқта;

агар $A_3 = \pi A_0$, $m = 1 (q_3 = -q_0)$ бўлса, эгри чизиқли қисмининг охириги нуқтаси бўлади.

Бундан келиб чиқиб зонднинг волт-ампер характеристикасининг чизиқли қисмининг бошланғич қисмида чизиқли ток зичлиги волт-ампер характеристикаси эгри чизиқининг ўртасидаги чизиқли ток зичлигидан π марта

каттароқ бўлади.

Амалда кўпроқ манфий қутбли разрядлар ишлатилади. Шу сабабдан биз униполяр тож заряди майдони тўғрисида маълумотларни кўриб чиқамиз. Электр майдон кўрсаткичларини аниқлаш учун зонд зарядини билишимиз керак бўлади. Лекин уни ўлчаш катта қийинчилик туғдиради. Зонд электр майдонига киритилиб унга U_3 потенциал берилганида электродлар ва зонд орасида сифим пайдо бўлади. Сифимда йиғилган заряд миқдори қуйидагича кўринишда бўлади:

$$q_3 = c(U_3 - U_0) \quad (4)$$

Волт-ампер характеристикасининг тўғри чизиқли қисмини қуйидаги формула билан ифодалаш мумкин (2-расм).

$$A_3 = (pk/E)c(U_3 - U_0) \quad (5)$$

Бу ифодалар билан олинган натижалар тақрибий натижалар бўлади ва қўшимча усулларни қўллашни талаб қилади, масалан аспирация усули. Яна ўлчов хатоликларини камайтириш учун икки электродли зонд қўллашимиз мумкин. Улар электр майдонининг эквипотенциал чизиқлари бўйлаб жойлашади. Бу ҳолда чизиқли ток миқдори волт - ампер характеристикасининг чизиқли қисми учун:

$$A_3 = A_1 - A_2 = \left(\frac{pk}{E}\right) (q_1 - q_2) \quad (6)$$

бўлади.


Бу ерда: q_1, q_2 биринчи ва иккинчи зонд заряд миқдори; Агар зондлар турли потенциалга эга бўлса, уларда чизиқли тоқлар ҳам турлича бўлади ва уларнинг фарқи:

$$\Delta A = A_1 - A_2 = \left(\frac{pk}{E}\right) (q_1 - q_2) = \frac{pk}{E} \Delta q \quad (7)$$

кўринишда бўлади.

Δq билан ΔU орасидаги боғланишни топамиз. Бунда кучланишлар системасидан фойдаланамиз:

$$\{U_1 = \alpha_{11} q_1 + \alpha_{12} q_{11} + \alpha_{13} q_{pr} + U_1(q_{os}) \quad (8)$$



2-расм. Зонднинг волт – ампер характеристикаси

$$\{U_{21} = \alpha_{12} q_1 + \alpha_{22} q_{11} + \alpha_{23} q_{pr} + U_{11}(q_{os})$$

Зондлар етарли яқинликда бўлганлиги учун:

$$\alpha_{13} = \alpha_{23}; \alpha_{11} = \alpha_{12}; U_1(q_{os}) = U_{11}(q_{os})$$

Буларни ҳисобга олиб:

$$\Delta U = U_1 - U_2 = (\alpha_{11} - \alpha_{12}) \Delta q$$

Шундай қилиб зонддаги чизиқли ток қуйидагича кўринишга келади:

$$A_3 = \left(\frac{pk}{E}\right) C \Delta U \quad (9)$$

бу ерда: $C = (\alpha_{11} - \alpha_{12})^{-1}$ бўлади.

Бу ерда чизиқли ток миқдори бир зондли ўлчов тизи-

мидек бўлади, лекин сиғим катталиги аниқроқ ўлчанади.

Амалда зондди изланишларда доимий ток тож разряди вольт-ампер характеристикасини олишда аънавий ўлчов асбоблари ёрдамида олинади ва ўлчовлар аниқлиги учун ўлчовлар кўп бора такрорланади. Натижада тажриба изланишлари ва уларнинг маълумотларига ишлов бериш учун кўп вақт ва маблағ сарф қилинади. Аниқроқ маълумотлар осциллограф ёрдамида олинади, яъни зонд кўрсаткичлари осциллографга улаб олинади. Осциллографларда зонднинг вольт-ампер характеристикаси кўринишини олиб унга ишлов бериб, натижалар олинади (2-расм). Разряд жараёнларига зонднинг электр майдонига киритилиши кам таъсир этиши учун зонд маълум бир U_0 (кучланишга) потенциалга эга бўлиши зарур.

Осциллографда зонднинг вольт-ампер характеристикасини олиш учун зондга кам частотали ўзгарувчан потенциал ҳам уланади. Бунда зонднинг потенциали қуйидагича бўлади:

$$U_3 = U_- + \eta \Delta U_0 \sin \omega t \quad (10)$$

бу ерда, η доимий коэффициент, $\eta=1-3$.

Бу ҳолда зонднинг бирлик узунлигига тўғри келувчи силжиш токи қуйидагича аниқланади:


$$I_{o,om} = \omega \eta q_{03} \cos \omega t, \quad (11)$$

бу ерда: зондда U_0 потенциал бўлганида унинг бирлик узунлигидаги ортиқча заряд миқдори $q_{03} = 4\pi \epsilon_0 r_3 E_k$ кўринишда бўлади.

Шундай қилиб силжиш токининг чизиқли зичлиги:

$$A_{3,с.м.} = \omega \eta 4\pi \epsilon_0 r_3 E_k \quad (12)$$

Ион токининг чизиқли зичлигининг амплитудаси:



1-разряд электроди; 2-ерга уланган электроднинг асосий қисми; 3-экранловчи ерга уланган электрод; 4-зонд; 5-экран; А-микроамперметр.

3-расм. Ерга уланган электрод бир неча бўлақларга бўлиб, чека қисмларини ерга улаб асосий қисмини экранлаш

$$A_{3,и.} = \eta \pi A_0 = \eta \pi 4 r_0 k p E_k \quad (13)$$

Ион ток амплитудасининг силжиш токи амплитудасига нисбати:

$$n = \frac{pk}{\epsilon \omega} = 18 \cdot 10 \frac{kp}{f} \quad (14)$$

бу ерда: f – ўзгарувчан кучланиш частотаси.


Зонднинг вольт-ампер характеристикаси осциллограф экранда ҳажмий заряд зичлиги ва частотага боғлиқ равишда турли кўринишда бўлиши мумкин. Зонднинг вольт-ампер характеристикаси бўйича kp ва U_0 каттали-

лар аниқланилади. Тож разряд майдонининг турли координаталарида ўлчовлар бажарилиб электр майдон потенциали ва (kp) кўпайтма катталиги аниқланилади. Электр майдон кучланганини ўлчашда маълум бир хатоликларга йўл қўйилиши мумкин.

Шунинг учун электр тож разряд майдон кучланганлигининг тақсимланиши яна бошқа усулларда ўлчаб кўрилиши ва текширилиши керак бўлади. Зонднинг чизиқли токи катталиги:

$$A_3 = A_0 = 4pk r_3 E_k \text{ кўринишда аниқланади.}$$

Зонднинг вольт-ампер характеристикасининг чизиқли



4-расм. Электр тож разряди майдонининг потенциали (ϕ) ва ионларнинг ҳажмий зичлигининг (ρ) экспериментал изланишларда олинган натижалар бўйича тож разряди майдонида тақсимланиши

қисмидан электр майдон кучланганлиги:

$$E_k = \frac{A}{4r3kp} \quad (15)$$

Зондда ток нол бўлган ҳолати учун зонддаги заряд миқори вольт-ампер характеристикасининг бошланғич қисми учун қуйидагича кўринишда бўлади [5]:

$q_3 = q_0 = 4 \pi r_3 E_0 E_k = C \Delta U_0$ булардан келиб чиқиб электр майдон кучланганлигининг кўриниши қуйидагича бўлади:

$$E_k = \frac{C \Delta U_0}{4\pi r3E0} \quad (16)$$

Олинган натижалар. Шундай қилиб, электр майдон кучланганлигини аниқлаш учун зонднинг вольт-ампер характеристикасидан ΔU_0 аниқланиб зонд сиғимини ҳисобга олиш керак бўлади. Текис параллел электр майдонлари кўриниши сақланиши учун қатор талаблар қўйилган. Масалан ерга уланган электрод бир неча бўлақлардан иборат бўлади ва чека қисмлари ерга уланиб, алоҳида бўлақда бўлиб у экран вазифасини бажаради.

Экспериментал олинган натижалар бўйича электр тож разряди майдонининг потенциали, электр майдон кучланганлиги ва бошқа катталикларининг тақсимланишини чизиб оламиз. 4-расмда тож разряди майдонининг потенциали ва ҳаво ионларининг ҳажмий зичлигининг тож разряди майдонида тақсимланиши келтирилган.

Худди шундай методика бўйича электр тож разряди майдонида асосий параметрларининг тақсимланиши олинади. Олинган натижалар қишлоқ ва сув хўжалигидаги ёпиқ биноларда ҳавони ионлаштириш қурилмаларини ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Хулосалар.

1. Тож разряди электр майдон кўрсаткичлари кескин ўзгарувчан характерли ностационар кўринишда бўлиб, барча назарий олинган ечимлар экспериментал изланиш натижалари билан тасдиқланиши керак бўлади.

2. Экспериментал изланишлар усуллари ичида контактсиз усуллари, хусусан зондусули энг самарали ҳисобланади. Бунда электр майдон куч чизиқларининг бузилиши минимал бўлиб, ўлчов хатоликлари ҳам минимал бўлади.

3. Электр тож разряди майдони кўрсаткичларини аниқлашда зонднинг вольт-ампер характеристикасидан фой-

даланилади ва унинг характериға қараб электр майдон кучланганлиги ва потенциалининг тақсимланиши аниқланади.

4. Олинган натижалар қишлоқ ва сув хўжалигидаги ёпиқ биноларда ҳавони ионлаштириш қурилмаларини ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Мева сақлаш омборларида, ичимлик сувини тозалашда, медицина ва ветеринарияда касаллик тарқатувчи бактериялар ва микроорганизмларни йўқотиш мақсадида асосан униполяр манфий зарядли тож разряди қўлланилади

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Рахматов А.Д. Тож разряди майдон кўрсаткичларини аниқлаш. "Аграр зона тармоқларида электр энергиясидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш муаммолари" номли Халқоро илмий амалий анжуманининг мақолалари тўплами. Тошкент, ТИМИ. 2015 йил май. 187-192 б.
2. Deutch W. Über die Dichter verteilung unipolarer ionenstro'me. Annalen der Physik. Berlin. S. Folge. Bd16. Heft1.
3. Рахматов А.Д. Тож разряди майдонида ҳавони ионлаштириш. «Қишлоқ ва сув хўжалигининг замонавий муаммолари». Магистрлар Илмий амалий анжумани. Тошкент. ТИМИ, 2013й. 126-128 б.
4. Имянитов И.М. Приборы и методы изучения электричества атмосферы. М. Энергоатомиздат. 1997. 431 с.
5. Попков В.И. К теории униполярной короны постоянного поля. М. Ж Электричество.1949. №1, с.33-48

УДК: 631.319.06

ПУШТАЛАРГА ИШЛОВ БЕРУВЧИ МАШИНА РОТАЦИОН ЮМШАТКИЧИ ТОРТҚИСИНИНГ ГОРИЗОНТГА НИСБАТАН ЎРНАТИЛИШ БУРЧАГИНИ АСОСЛАШ

*Х.Ф.Абдулхает - кичик илмий ходим,
Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш ИТИ*

Аннотация

Мақолада пушталарга ишлов берувчи машинанинг ротацион юмшаткичи тортқисининг горизонтга нисбатан ўрнатиш бурчагини унинг иш кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш бўйича ўтказилган тадқиқотларнинг натижалари келтирилган. Пушталар ёнбағирларига белгиланган чуқурликка ботиб ишлаши ва шу чуқурликда барқарор юриши учун ротацион юмшаткичи юмшаткич панжанинг устуни билан боғловчи бўйлама тортқи горизонтга нисбатан 0-10° бурчак остида пастга қиялатиб ўрнатилган бўлиши лозимлиги аниқланган.

Abstract

The results of studies on the impact of the installation angle to the horizontal thrust of the rotary cultivator machines for the ridges on the performance of his work. It was found that the longitudinal rod connecting the rotary cultivator with a reception ripper paws on the horizon should be set at an angle 0-10° obliquely downward to the rotary cultivator penetration to the desired depth and sustainability progress at this depth.

Аннотация

В статье приведены результаты исследований по изучению влияния угла установки к горизонту тяги ротационного рыхлителя машины для обработки гребней на показатели его работы. Установлено, что для заглубления ротационного рыхлителя на заданную глубину и устойчивости хода на этой глубине продольная тяга, соединяющая ротационный рыхлитель со стойкой рыхлительной лапы относительно горизонта должна быть установлена под углом 0-10° с наклоном вниз.



Кириш. Ҳозирги пайтда чигит экишдан олдин пушталарга ишлов бериш чопиқ тракторларига ўрнатилган осма тишли тирмалар воситасида амалга ошириб келинмоқда, бунда уларнинг бутун профили бўйича тўлиқ ишлов берилмайди. Бунинг оқибатида, пушталарнинг ёнбағирлари ва эгатларида тупроқдаги намни сақлашишни таъминловчи майин қатлам ҳосил бўлмайди ва униб чиқаётган бегона ўтлар тўлиқ йўқотилмайди. Бу эса пушталарни бегона ўтлар босиб кетиши ҳамда тупроқдаги намни йўқотилишига олиб келади. Бундан ташқари, тишли тирмаларни қўллаш пушта профилини қисман бузилиши, айниқса баландлигини сезиларли даражада камайишига олиб келади, бу чигитни бир текис униб чиқиши, ғўза ниҳолларини ривожланиши ва пахта ҳосилдорлигига путур етказиши.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ҚХМЭИ да пушталарга чигит экишдан олдин ҳажмий, яъни уларга бутун профили бўйича ишлов бериш учун чопиқ тракторларига осиб ишлатиладиган машина ишлаб чиқилди [1,2]. Машина рама, пушталарнинг эгатлари, ёнбағирлари ва тепаларига ишлов берувчи иш органларидан ташкил топган (1-расм).

Бунда пушталарнинг эгатлари пушталарга нисбатан юқори қаттиқлик ва зичликка эга эканлиги ҳамда улар трактор филдираклари томонидан эзлиши сабабли чуқурроқ юмшатилишини ҳисобга олган ҳолда уларга ишлов берувчи иш органлари устун ва унга ўрнатилган юмшаткич панжа кўринишида, пушталар ёнбағирларига уларнинг дастлабки ҳолатини сақлаган ҳолда ишлов берилишини таъминлаш учун уларга ишлов берувчи иш органлари умумий ўққа ўрнатилган чап ва ўнг планкали конуссимон ғалтакмолалардан ташкил топган ротацион

юмшаткич кўринишида ҳамда пушталарнинг тепаларига уруғ (чигит) экилишини ҳисобга олинган ҳолда улар ишлов бериш чуқурлиги бўйича тўлиқ ва бир текис юмшатилишини таъминлаш учун уларга ишлов берувчи иш органлари кўндаланг брусларга ўрнатилган тишлардан ташкил топган тишли юмшаткичлар кўринишида ишланди.

Агротехника талаблари бўйича машинанинг юмшаткич панжалари томонидан пушталар эгатлари тубига 8-10 см чуқурликда, ротацион ва тишли юмшаткичлари томонидан эса мос равишда уларнинг ёнбағирлари ва тепасига 4-6 см чуқурликда ишлов бериши лозим.


Ушбу мақолада ишлаб чиқилган машина ротацион юмшаткичини унинг юмшаткич панжаси устуни билан боғловчи бўйлама тортқини горизонтга нисбатан ўрнатиш бурчагини унинг, яъни ротацион юмшаткичининг иш кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш бўйича ўтказилган экспериментал тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.

Материаллар ва методлар.

Экспериментал тадқиқотлар баҳорда ГХ-4 пуштаолгич билан кузда пушталар олинган далада уларга чигит экишдан олдин ишлов бериш даврида олиб борилди.

Экспериментал тадқиқотларни ўтказишда ишлаб чиқилган машинанинг тажриба нусхаси МТЗ-80Х тракторига қўшиб ишлатилди. Тажрибалар 1,7 ва 2,5 м/с тезликлариде ўтказилди.


Тажрибаларда юмшаткич панжа ва ротацион юмшаткич орасидаги масофа 60 см этиб қабул қилинди, уларни боғловчи бўйлама тортқининг горизонтга нисбатан ўрнатилиши бурчаги -20 дан +20° (бунда минус шартли равишда бўйлама тортқини горизонтал текисликка нисба-



1-рама; 2-осиш қурилмаси; 3-юмшаткич панжа; 4-тортқи; 5-ротацион юмшаткич; 6-пружина; 7- йўналтиргич; 8-параллелограмм механизми; 9-тишли юмшаткич.

1-расм. Пушталарга ишлов берувчи машинанинг конструктив схемаси


тан юқорига, плюс эса пастга қиялатиб ўрнатилганлигини билдиради) ораликда 10° интервал билан ўзгартирилди (2-расм).



2-расм. Ротацион юмшаткични юмшаткич панжанинг устуни билан боғловчи бўйлама тортқининг горизонтга нисбатан ўрнатилиш бурчагини асослашга доир схема

Натижалар ва уларнинг таҳлили.

Тажрибаларнинг натижалари график усулда 3-расмда келтирилган. Графикдан кўришиб турибдики, бўйлама тортқи юқорига қиялатиб ўрнатилганда, яъни α бурчак



3-расм. Ротацион юмшаткични юмшаткич панжанинг устуни билан боғловчи тортқининг горизонтга нисбатан ўрнатилиш бурчагини ишлов бериш чуқурлиги (h_m) ва унинг ўртача квадратик четланиши (σ) га таъсири

-20° ва -10° бўлганда ротацион юмшаткич ғалтакмолалари белгиланган чуқурликка ботиб ишламаган, яъни ишлов бериш чуқурлиги 4,0 см дан кам бўлган. Бу бурчак 0° бўлганда, яъни бўйлама тортқи горизонтал жойлашганда ғалтакмолалар белгиланган чуқурликка ботиб ишлаган. Ротацион юмшаткич ва юмшаткич панжани боғловчи бўйлама тортқининг горизонтга нисбатан ўрнатилиш бурчаги 0 дан $+10^\circ$ га ўзгарганда ишлов бериш чуқурлиги 4,6 см дан 4,9 см гача ортган, унинг ўртача квадратик четланиши эса 1,1 см дан 0,8 см гача камайган. Таъкидланган бурчак $+10^\circ$ дан $+20^\circ$ га ўзгарганда эса ишлов бериш чуқурлиги ва унинг ўртача квадратик четланиши сезиларли даражада ўзгармаган.

Демак, ротацион юмшаткич ғалтакмолалари белгиланган чуқурликка ботиб барқарор ишлаши учун ротацион юмшаткични юмшаткич панжанинг устуни билан боғловчи бўйлама тортқи горизонтга нисбатан пастга қиялатиб $0-10^\circ$ бурчак остида ўрнатилган бўлиши лозим.

Хулоса. Ўтказилган тажрибавий тадқиқотларнинг кўрсатишича, ротацион юмшаткични юмшаткич панжа билан боғловчи бўйлама тортқи горизонтал ёки бироз пастга қиялатиб ўрнатилганда пушталарга ишлов берувчи машинанинг ротацион юмшаткичини пушталар ёнбағирларига белгиланган чуқурликка ботиб ишлаши ва шу чуқурликда барқарор юриши таъминлади. Бунинг натижасида пушталар ёнбағирларидаги қатқалоқлар ва униб чиққан бегона ўтлар тўла йўқотилиб, тупроқдаги намнинг сақланишини таъминловчи майин қатлам ҳосил бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдулхаев Х.Ф. Пушталарга ишлов берувчи қурилма // Инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш муаммолари. Республика илмий-техник конференцияси илмий мақолалар тўплами. – Жиззах, 2011. – Б. 34-35.
2. Патент РУз на полезную модель № FAP 00753. Устройство для обработки гребней и борозд между ними/ Тухтакузиев А. и Абдулхаев Х.Г. Расмий ахборотнома. – Ташкент, 2012. № 9.

УДК: 633.1:631.52

ТУПРОҚҚА ТУРЛИ УСУЛ ВА ЧУҚУРЛИҚДА ИШЛОВ БЕРИШ ВА УНИНГ УВОҚЛАНИШ ДАРАЖАСИГА ТАЪСИРИ

Ф.М.Хасанова - қ.х.ф.н.,

И.Т.Карабаев - к.и.х.и.

Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари ИТИ

Аннотация

Мақолада Тошкент вилоятининг қадимдан суғорилиб келинган типик бўз тупроқлари шароитида олиб борилган дала тажрибасида кузги буғдойдан сўнг такрорий экин экишдан олдин ерга ишлов бериш усуллари тупроқ увоқланиши бўйича натижалар келтирилган. Кузги буғдойдан бўшаган майдонларни суғормасдан 28-30 см чуқурликда омов билан ҳайдалганда, худди шу усулда, аммо суғориб сўнг ҳайдалганга нисбатан 50 мм дан катта фракциялар миқдори 4,0 %, 50-10 мм оралиғидаги фракциялар миқдори 6,8 % гача юқори бўлганлиги аниқланган. Такрорий экинлардан мўл, сифатли ва эртанги ҳосил етиштиришда бундай майдонларни суғориб, ундан сўнг ҳайдалганда тупроқнинг агрофизик хусусиятлари яхшиланиши таъкидланган.

Abstract

Effects of soil preparation technologies for planting of summer crop after winter wheat on soil crumbling were investigated in the experiment carried out in conditions of the old irrigated typical sierozem soils of the Tashkent region. Compared to soil plow to 28-30 cm depth excluding irrigation before the soil preparation, post-harvest irrigation followed by soil plow to 28-30 cm depth for planting of summer crop after winter wheat resulted in increase of soil fraction with >50 mm and <50 - >10 mm sizes for 4.0 and 6.8% respectively. To achieve early, quantitative and qualitative yields of summer crops the post-harvest irrigation after winter wheat followed by soil plow to 28-30 cm depth for planting of summer crops is recommended.

Аннотация

В статье приведены результаты полевого опыта в условиях староорошаемых типичных серозёмов Ташкентской области по влиянию подготовки почвы перед посевом повторных культур после озимой пшеницы на крошение почвы. Выявлено, что после уборки озимой пшеницы, проведение полива с последующей пахотой почвы на глубину 28-30 см привело к увеличению фракций (комков) почвы с размером >50 мм на 4,0%, фракций с размером <50 - >10 мм - на 6,8%, по сравнению с вариантом без предварительного полива и пахотой на глубину 28-30 см. Для получения раннего, высокого и качественного урожая повторных культур рекомендуется проведение полива с последующей пахотой, что позволяет улучшить агрофизические свойства почвы.

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги ПҚ 2460 – сонли қарори асосида 2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш бўйича мамлакатимиз аҳолисини қишлоқ хўжалик маҳсулотига бўлган талабини тўлиқ қондириш учун қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ва сифатли ҳосил олиш билан бирга суғориладиган майдонлардан самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини оширишга ёрдам берадиган агротехник тадбирларни ишлаб чиқиш ва фермер хўжаликларда тадбиқ этиш катта аҳамиятга эга [1].

Бошоқли дон экинлари ҳосили йиғиштириб олингандан кейин бўшаган майдонларга такрорий экинлар экиб, улардан сифатли ва юқори ҳосил олиш учун ерга минимал ишлов бериш, эрта муддатларда экиш, ниҳолларни тупроқнинг табиий намига тўла ундириб олиш ҳамда маъдан ўғитлар билан озиклантириш талаб этилади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Ерга асосий ишлов беришнинг, П.У.Бахтин ва С.И.Долгов [2] классификацияси бўйича тупроқнинг увоқланиш даражаси “яхши” ҳамда “жуда яхши” тоифасига бўлинади. Л.Н. Слесарёва ва С.Н. Рыжов [3] ларнинг тажрибаларида ротацион плуг ва икки қаватли плуглар билан ишлов бериш натижасида тупроқнинг увоқланиш даражаси аниқланганда энг яхши тупроқ ҳолати ҳайдалма қатламда ротацион плуг билан ишлов берилганда олингани таъкидланган.

М.Тошболтаев ва А.Тўхтақўзиев [4] ларнинг таъкидлашларича, ғалладан бўшаган майдонларни ёзда ўз вақтида шудгорлаш тупроқнинг яхши увоқланишини таъминлайди, куёш ҳарорати туфайли донадорлиги ортади,

ўсимлик қолдиқлари, бегона ўтлар уруғи ва илдишлари чуқур кўмилади. Шудгорлашни ўримдан кейин хатто 1-2 кунга кечиктирилган ҳолда ўтказилганда, тупроқдаги намлик тезда йўқотилиши туфайли ернинг қотиб қолишига, ҳамда йирик кесаклар кўчишига сабаб бўлади. Бу кейинчалик ерни экишга тайёрлаш ишларини қийинлаштириб, тупроқнинг донадорлик хусусиятларини пасайиши, меҳнат, ёқилғи мойлаш маҳсулотларини сарфи ва бошқа ҳаражатларни 2-3 марта ошишига сабаб бўлади.

М. Tabatabai [5] нинг маълумотларига асосан, тупроқ агрегатларининг йириклиги 9 дан 1 мм гача ўзгарганда унинг механик таркиби фракцияларини ошиши ёки камайиши тенденцияси кузатилмаган. Кўплаб ўтказилган таҳлиллар асосида тупроқдаги агрегатларни ўзгариши 1-2 % атрофида бўлиши, фақат баъзи бир пайтларда улар 6-10 % ни ташкил этиши аниқланган.

Фракцияларнинг йириклиги 10-0,25 мм оралиғида бўлган тупроқ заррачалари агрономик жиҳатдан қулай ҳисобланиб, бундай кўрсаткичларга экинларни алмашлаб экиш, органик ўғитларни қўллаш ва бошқа мақбул агротехник тадбирлар эвазига эришиш мумкинлиги тўғрисида кўпчилик илмий манбаларда қайд этилган.

Тадқиқот мақсади. Тошкент вилоятининг қадимдан суғорилиб келинган типик бўз тупроқлари шароитида такрорий экин экишдан олдин ерга ишлов бериш технологиясини такомиллаштириш ҳисобига тупроқнинг агрофизик хусусиятларини яхшилаш ҳамда такрорий экинлардан мўл, сифатли ва эртаги ҳосил етиштириш.

Дала тажрибаси куйидаги тартибга асосан амалга оширилди:

1-жадвал

Тажриба тизими

Вариант т/р	Тупроққа ишлов бериш усуллари	Ишлов бериш учун суғориш миқдори, м ³ /га	Ишловдан олдинги тупроқ намлиги, %
1	Суғормасдан 28-30 см чуқурликда омов билан ҳайдаш	-	13,5
2	Суғориб 28-30 см чуқурликда омов билан ҳайдаш	300-400	20,6
3	Чизель ёрдамида 16-18 см чуқурликда ишлов бериш	300-400	20,4

Тадқиқот натижалари. Кузги буғдойнинг 2000 йилда ҳосили йиғиштириб олингандан сўнг тупроққа асосий ишлов берилганда, унинг увоқланиш даражаси ерни суғормасдан 28-30 см чуқурликда омов билан ҳайдалган вариантда, худди шу усулда аммо майдон 300-400 м³/га миқдорда суғориб ишлов берилган вариантга нисбатан, 50 мм дан катта фракциялар миқдори 4,0 %, 50-10 мм оралиғидаги фракциялар миқдори 6,8 % гача юқори бўлганлиги аниқланди. Ерни 300-400 м³/га миқдорда суғориб, 28-30 см чуқурликда омов билан ҳайдалган вариантда, худди шундай миқдорда суғориб, 16-18 см чуқурликда чизель ёрдамида ишлов берилган вариантга нисбатан, тупроқнинг увоқланиш даражаси 50 мм дан катта фракцияда 15,2 % ҳамда 50-10 мм оралиғидаги фракцияларда эса 4,8 % гача юқори бўлганлиги қайд этилди.


Ерни суғориб 16-18 см чуқурликда чизель ёрдамида ишлов берилган вариантда, суғориб 28-30 см чуқурликда омов ҳайдалган вариантга нисбатан, 10 - 0,25 мм оралиғидаги агрономик жиҳатдан мақбул фракциялар 18,0 % ва 0,25 мм дан кичик фракциялар 2,0 % гача кўп бўлиб, тупроқнинг увоқланиш даражаси юқори бўлди (1-расм).



1-расм. Тупроққа турли усул ҳамда чуқурликда ишлов беришни унинг увоқланиш даражасига таъсири (2000 й.)

Ерни суғориб чизель билан ишлов берилган вариантда 50 мм дан йирик фракция 2,1 %, 50 - 10 мм оралиғидаги фракциялар - 29,2 %, 10 - 0,25 мм оралиғи-даги фракциялар - 60,3 % ва 0,25 мм дан кичик фракциялар миқдори 8,4 % ни ташкил этди (2-расм).

Тупроққа 16-18 см чуқурликда чизель ёрдамида ишлов берилган вариантда суғориб ҳамда суғормасдан ерни 28-30 см чуқурликда омов ёрдамида ҳайдалган вариантларга нисбатан 10 - 0,25 мм оралиғидаги агрономик жиҳатдан мақбул фракциялар 20,3-28,3 % гача ва 0,25 мм дан кичик фракциялар 2,5-4,3 % гача кўп бўлиб, тупроқнинг увоқла-



2-расм. Тупроққа турли усул ҳамда чуқурликда ишлов беришни унинг увоқланиш даражасига таъсири (2001 й.)



3-расм. Кузги буғдойдан бўшаган майдони 28-30 см чуқурликда дастлаб суғориб ҳайдаш



4-расм. Кузги буғдойдан бўшаган майдони 28-30 см чуқурликда дастлаб суғормасдан ҳайдаш



5-расм. Кузги буғдойдан бўшаган майдони 16-18 см чуқурликда чизель билан ишлов бериш

ниш даражаси юқори бўлди, такрорий маккажўхори ва соя дуркун ўсиб ривожланди.

Хулоса. Кузги буғдойдан сўнг такрорий экин экиш олдида тупроққа юза ишлов берилганда, дастлаб суғормасдан ер ҳайдашга нисбатан, уни суғориб кейинчалик ҳайдалганда агрономик жиҳатдан мақбул фракциялар миқдори 27,5-28,3 % юқори бўлган. Бунда кузги буғдойни ҳосилини йиғиштириб олингандан сўнг ерга юза ишлов бериб ҳайдаб экилганга нисбатан тупроқнинг увоқланиш даражаси юқори бўлиши қайд этилган. Шу билан биргаликда, кузги буғдойдан сўнг дала майдони суғорилиб кейинчалик 28-30 см чуқурликда ҳайдалганда, тупроқнинг агрофизик хоссалари яхшиланиши натижасида, такрорий экинлар дуркун ўсиб ривожланар экан.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ислон Каримов - 2015 йил 29 декабрдаги ПҚ 2460-сонли қарори. Тошкент. Ўзбекистон, 2015.
2. Бахтин П.У., Долгов С.И. Исследование подвижности влаги и её доступности для растений. Москва: Наука, 1948. – 153 с.
3. Слесарева Л.Н., Рыжов С.Н. Роль структуры и сложения в повышении производительной способности орошаемых сероземов. Ташкент: Фан, 1984. С. 160.
4. Тошболтоев М., Тўхтақўзиев А. Ёзги шудгор сифати //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали, 2007, №7. Б. 7.
5. Tabatabai M.A. - Soil Sci. Soc. Americ. 1968. V. 32 (4): 588-594.

УДК: 338.242.2 (575.1)

ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИК КАТЕГОРИЯСИНING БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ТИЗИМИДАГИ ХУСУСИЯТЛАРИ

У.Х.Нигмаджанов - профессор, А.Ҳ.Тиллаев - мустақил тадқиқотчи
Тошкент ирригация ва мелиорация институти

Аннотация

Мақолада содда ва тушунарли шаклда мамлакатимизнинг бугунги кундаги замонавий амалиётда фойдаланиш зарур бўлган ғарб мамлакатларда қўлланилаётган ҳам технологик, ҳам иқтисодий ишлаб чиқариш унумдорлиги категориялари; ички ва ташқи етишмовчилик, камчиликлар; ҳисоб-китоб ва иқтисодидаги фойданинг мазмун-моҳияти, фарқлиши, усуллари очилиб берилди.

Abstract

In an article in an accessible form reveals content difference, methods of calculation used in the west of the categories of production efficiency - both technological and economic; costs - both internal and external; profit - financial and economic to be used in the modern practice of our country.

Аннотация

В статье, в доступной форме раскрываются содержание, различие, способы их расчетов, таких применяемых на западе категорий эффективности производства - как технологической, так и экономической; издержек - как внутренних так и внешних; прибыли - бухгалтерской и - экономической, которые должны использоваться в современной практике нашей страны.



Кириш. Зарур ҳажмли, ассортимент ва сифатдаги озиқ овқат, кийим-кечак, маҳсулотлари, уй-жой, станоклар, меллиоратив ва қишлоқ хўжалиги техникаси, гидроиншоотлар, коллектор – дренаж тармоғи ва хоказоларни ишлаб чиқариш ва ривожлантириш инсон тараққиётининг ҳар бир босқичида катта қийинчиликлар билан амалга оширилган ва бундан кейин ҳам оширилади.

Булар иқтисодий фаолият асосида ётувчи иккита объектив фундаментал аксиома мавжудлиги билан боғлиқдир.

- жамият ва унинг аъзоларини чексиз моддий ва маънавий талаблари, яъни уларга фойда келтирадиган товарлар ва хизматларни харид қилиш ва улардан фойдаланиш ҳоҳишининг чексизлиги ва тўйинмаслиги;

- иқтисодий ресурсларнинг сон ва сифат жиҳатидан чегараланганлиги, яъни инсон томонидан ишлаб чиқарилган – табиий, меҳнат ресурслари, товарлар ишлаб чиқариш асоси бўлган меҳнат воситалари ва предметлари чегараланган ва камёб эканлиги.

Ундан ташқари жамиятнинг ташкилий – иқтисодий, техник– технологик, таълим, илмий – ахборот потенциали кўп ҳолларда ортиб бораётган талабларга нисбатан синхрон равишда эмас, айрим ҳолларда ортда қолиб ривожланади.

Шунинг учун бизнинг талабимизни конкрет товарга нисбатан қондириш мумкин. Шу ўринда мамлакат барча субъектларининг умумий талаблари тўлиқлигича қондирилмайди, ҳозирги вақтда жамият индивид ва институтларида кўплаб қондирилмаган талаблар мавжуд.

Бундай шароитда иқтисодий фаолиятнинг барча субъектлари фойдаланаётган ресурслардан, жами талабни максимал қондиришга ҳаракат қилишлари ва эришишлари зарур.

Шундан келиб чиққан ҳолда, доимо ва барча мамлакатларда учта универсал саволга илмий асосланган жавоб топиш муаммоси мавжуд, ҳар қандай жамиятда мавжуд ресурслар ва билимлардан келиб чиқиб, нима ва қанча, қандай ресурслар уйғунлигидан ва технологиялардан фойдаланиш, ким учун маҳсулот ишлаб чиқариш керак?

Америкалик олимларнинг фикрича биринчи иккита

саволга жавобларнинг муҳим йўналиши бўлиб, жамият талабини максимал равишда қондириш учун ноёб иқтисодий ресурсларни тақсимлашнинг юқори самарадорлигига эришиш зарурлиги ҳисобланади.

Масалининг ечими авваланбор чекланган ресурслардан фойдаланган ҳолда зарурий товарлар ишлаб чиқариш учун мамлакат ишлаб чиқариш салоҳиятидан тўлиқ ва оқилона даражада фойдаланишнинг муқобил вариантлари ўртасида оптималини танлаб олишдан иборатдир.

Такидлаш зарурки, иқтисодий ресурслар бевосита хўжалик фаолияти жараёнига тадбиқ этилган ва харажатлар сифатида ҳисобга олинган, ишлаб чиқариш омилилари деб аталади.

Уларга қуйидаги классик омилларни киритиш мумкин:

- ер. Бу фақат ернинг ўзи эмас, балки ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган барча табиий ресурсларди (қуёш энергияси, сув манбалари, хайдалган ерлар, фойдали қазилма бойликлар ва х.к);

- капитал. Булар инсон томонидан ишлаб чиқарилган барча ишлаб чиқариш воситалари. Улар таркибига қуйидагилар киради: асосий ва айланма капитал (машиналар, компьютерлар, насос станциялари, сув узатиш қурilmалари, хом ашё ва материаллар);

- меҳнат. Бу инсон фаолияти бўлиб, унинг мобайнида фойдаланиладиган ишчи кучи яъни, инсонларнинг жисмоний ва интеллектуал қобилиятларидир (ишчининг, гидротехникнинг, ер тузувчининг трактористнинг, электрикнинг меҳнати);

- тадбиркорлик қобилияти (уддабуронлик). Бу инсон ресурсининг ноёб қисми бўлиб, оддий меҳнат ва бошқарув функцияларидан фарқли ўлароқ, эгасига ташкилотчилик ва бошқарувни функцияларини новаторлик, инновацион равишда амалга ошириш, шу орқали ишлаб чиқариш омилларидан оқилона фойдаланишга имкон яратади. Лекин бундай фаолиятни инкор этиш нотайинликни ва тавақалчиликни айрим ҳолларда зарар кўришлардан ҳоли этмайди.

Санаб ўтилган омиллар ўзаро боғлиқ ва иқтисодий нозу - неъматларни шакллантиришда турли даражада фойдаланилади. Шу билан бир қаторда улар аниқ дара-

жада ўзаро алмашиш хусусиятига эгадир: қўл меҳнати - машиналар билан, кўмир – газ билан ва х.к.

Масаланинг моҳияти шундаки, биринчидан ишлаб чиқариш омилларини фаолият тури ва ҳудудлар бўйича табиий шароит ва ҳар қандай иқтисодий манфаат кўзлаган ҳолда оқилона жойлаштириш, иккинчидан зарурий маҳсулотларни ишлаб чиқаришда улардан фойдаланишнинг уйғун ва пропорцияларини оптимал вариантларини топиш.

Турли мамлакатларда, ресурс тақсимоли ва маҳсулот ишлаб чиқаришнинг турли вариантларини танлаш муаммосини осон таҳлил қилинадиган соддалаштирилган оддий модель ёрдамида кўрсатиш мумкин.


Бу модель реал, лекин мураккаб иқтисодий фаолиятга тадбиқ этиладиган умумий қонунларни очиқ беришга имкон яратади. Бундай модельни шартли мисолда график орқали мамлакатнинг ишлаб чиқариш имкониятлари (ИЧИ) эгри чизигида кўриб чиқамиз. (1-расм)

Бунда қуйидаги тахминни қабул қиламиз: мамлакатда иккита маҳсулоти ишлаб чиқариш мумкин, ўзида ишлаб чиқариш товарларини мужассамлаштирган тракторлар ва бевосита инсонларни эҳтиёжларни қондирадиган товарларга тегишли бўлган дон. Ундан ташқари ресурсларнинг сони, сифати ва билимлар даражаси ҳамда ишлаб чиқариш технологияси доимийдир.

Қабул қилинган тахминимиздан маълумки, мамлакатда иккала маҳсулотга ҳам нисбатан талаб мавжудлиги ҳолатида, уларни ишлаб чиқариш миқдорий пропорциясини муқобил вариантларини танлаш зарурлигига дуч келади.

Графикнинг вертикал йўналишида тракторларнинг тақлиф этилаётган сони, горизонтал йўналишида эса доннинг сони белгиланган.

Бунда ҳар бир маҳсулотни турлари алоҳида ишлаб чиқариш имкониятлари А ва F нуқталарида белгиланган. Иккита маҳсулотни бир вақтда ишлаб чиқаришнинг турли вариантлари В, С, D, E нуқталарида кўрсатилган.



1-расм. Мамлакат ишлаб чиқариш имкониятларининг эгри чизиги. (ИЧИ)

А, В, С, D, E, F нуқталарини чизик орқали бирлаштириш натижасида мамлакатнинг ишлаб чиқариш имконияти (ёки чегараси) (ИЧИ) ва чегараланган ресурслардан максимал даражада олинadиган салоҳият битта ёки иккита маҳсулот миқдорини аниқлашга эришамиз.

Ушбу чизик чегарасида бундай ишлаб чиқариш ҳажмига фақатгина ресурсларни юқори самарали тақсимлаш ва фойдаланиш натижасида эришиш мумкинлигига эътибор қаратамиз.

Бошқача қилиб айтганда маълум даврда мамлакатнинг ишлаб чиқариш имконияти даражасида амалга ошириш учун: а) тўлиқ бандликни ва б) тўлиқ ишлаб чиқариш ҳажмини таъминлашни зарур.

Тўлиқ бандлик деганда барча яроқли ресурсларни ҳўжалик фаолиятига тадбиқ этиш, яъни ишлаб чиқаришга барча меҳнатга лаёқатлилар, мавжуд техника ва ускуналар, сув насосларидан ва х.к. жалб этилиш тушунилади.

Ишлаб чиқаришнинг тўлиқ ҳажми - яроқли ресурсларни соҳа ва фаолият тури бўйича самарали тақсимлашни англатади. Бунда ресурслар маҳсулотнинг умумий ҳажмига энг катта хисса қўшиши керак. Хусусан, мутахассислардан маълумоти ва ихтисослигига мос равишда фойдаланиш, экинларни ва чорвачиликни турларини ўсиш ва ривожланишига ижобий таъсир этувчи тупроқ ва иқлим шароитларга мос равишда жойлаштириш, ишлатилаётган ресурсларнинг энг самарали уйғунлигидан фойдаланиш, янги технологияларга таянишдир.

Юқорида баён этилган назарий ва услубий фикрлардан келиб чиққан ҳолда ва 1 –расмдаги маълумотларни таҳлил қилиш натижасида қуйидаги хулосаларни қилиш мумкин:

Биринчидан, мамлакат барча ресурслардан фойдаланган ҳолда 15 та трактор ишлаб чиқариши мумкин (А нуқта), агар ишлаб чиқаришдан 5 бирлик дон (F нуқта), воз кечган ҳолда, ёки тескариси, 5 бирлик дон, 15 та трактордан воз кечган ҳолда.

Иккинчидан, чегара чизиги доирасида, иккала маҳсулотда бараварига талаб борлиги шароитида, бизнинг мисолимиз каби В, С, D, E, нуқталари, уларни ишлаб чиқаришни муқобил вариантларни имконияти мавжудлигини кўрсатади. Бу ҳолатда бир маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ҳар қандай кўпайиши, ресурслар чекланганлиги сабабли, бошқа маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган ресурсларни бир қисмини бунга йўналтирилишини талаб қилади. Бу борада кўп дон кам трактор дегани ва тескариси.

Учинчидан, ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизигининг нуқталар параметри қайси маҳсулотдан, масалан, (А) дан воз кечиш натижасида, (F) маҳсулотни етиштириш мумкинлигини, аниқлаш имкониятини беради, ёки бошқача қилиб айтганда дон ишлаб чиқариш харажатларларини кўрсатади. Графикдан, дон ишлаб чиқариш ҳар бир бирлигининг кўпайтириш харажатларнинг ўсиши билан боғлиқлигини кўриш мумкин. Масалан, дон бирлигини А нуқтадан, В нуқтага ўтишида битта трактордан воз кечилишини, яна бир бирлик дон олиш учун В нуқтадан С нуқтага ўтганда учта трактордан воз кечилишини, D нуқтага ўтганда эса олти та трактордан воз кечилишини кўришимиз мумкин. Бу бир ресурсларни, ишлаб чиқариш усулларидаги фарқи ва тўлиқ алмаштириб бўлмаслиги сабабли, уни тракторларни ишлаб чиқаришда унумли фойдаланиш мумкинлигини, бошқаларини эса, дон ишлаб чиқаришига йўналтиришдан унумли фойда-

ланиш мумкинлигини кўрсатади.

Бундай боғлиқлик, мувофиқ қонун асосида ётади. Хусусан, муқобил харажатларни ўсиб бориш қонуни, бу қонунга асосан, ҳар бир иккинчи товар бирлик сонини янада кўпайтириш учун биринчи товарнинг кўпроқ сонини қурбон қилишни ёки воз кечишни талаб қилади. Охир оқибат иккала маҳсулот ишлаб чиқаришнинг умумий даромадлиги пасаяди.

Шунинг учун ИЧИ чегаралари доирасида бир маҳсулотни бошқа маҳсулот камайиши ҳисобидан ошириш бўйича қабул қилинадиган қарорлардан келадиган даромад ва харажатларни доимо таққослаш керак.

Турли маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг қайси варианты қабул қилиниши, яъни реал танлаш мамлакатнинг бойлиги, миллий ўзига хослиги ва қадриятларини, инobatга олган ҳолда давлатнинг иқтисодий сиёсати билан белгиланади.

Тўртинчидан, ИЧИ ичидаги (У) нуқта ёки бошқа бирови, ресурслардан фойдаланиш самарадорлигининг пастлигидан далолат беради.

Бошқа сўзлар билан айтганда, иқтисодиётда иккала маҳсулотни мавжуд ресурсларидан кўпроқ миқдорда ишлаб чиқариш имконияти борлигини, ёки бир маҳсулот ҳажмини камайтирмасдан иккинчи маҳсулотни кўпайтириб ишлаб чиқариш имконияти мавжудлигини билдиради.

Бешинчидан, бизнинг модел шартлари бўйича, мавжуд ҳажмда ва техник - иқтисодий параметрдаги ишлаб чиқариш омилларида ресурсларнинг чегараланганлиги сабабли, мамлакат бир ёки иккала маҳсулот ҳажмини ИЧИ чизиғидан ташқарисида ҳар қандай нуқтагача кенгайтира олмайди, яъни бунинг имконияти йўқ, масалан Х нуқтагача.

Шундай қилиб, ресурсларнинг микро ва макро даражадаги тақсимоти самарали ҳисобланади, қачонки, барча истеъмолчилар категорияси энг кўп эҳтиёжга эга бўлган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ИЧИ эгри чизиғи бўйича жойлашган бўлса, яъни асосий мақсад амалга ошганда - мавжуд ресурслар ва билимлар шароитида эҳтиёжларни максимал қониқтирилишидир.

Шу нуқтаи назардан, технологик самарадорлик ёки мамлакат миқёсида ресурслардан самарали фойдаланишнинг қиймат кўрсаткичи бўлиб, бизни фикримизча жон бошига ялпи миллий маҳсулот (ЯММ), ёки ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳисобланади. Фирма ва корхоналар даражасида эса базис баҳода битта ишчига тўғри келадиган ишлаб чиқарилган маҳсулот қиймати (даромад) тушунилади. Бу кўрсаткичлар жамият аъзолари ва фирма ходимларининг талаблари қондирилганлигини энг реал кўрсаткичидир.

Бозор иқтисодиётида барча фирмалар самарали ишлаб чиқарувчи бўлишга ҳаракат қилиб, ҳам технологик, ҳам иқтисодий жиҳатдан самарали бўлган ишлаб чиқариш усулларини қўллашига алоҳида эътибор қаратайлик.

Америкалик олим С.Фишернинг ва унинг ҳамкасабаларининг фикри бўйича "...ишлаб чиқариш усули қачон технологик самара беради, қачонки, ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми, аниқ мавжуд ресурслар асосида, максимал имконияти даражасида бўлганда".

Инженер-агроном мутахассислар тавсиясига асосан ўзаро уйғунлашган омилларни бирга кўшиб қўллайдиган самарали технологик усуллар бир неча бўлиши мумкин.

Бундай ҳолларда айрим омилни бирон усулдан камлиги ва бошқа омилларнинг иккинчи усулдан кўплигини таққослаб бўлмаслигини эътиборга олиб, иккала усулни ҳам самарали ҳисоблаш мумкин.

Демак, технологик самарадорликга, яъни максимал ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқариш учун шундай вазиятларда эришилади, қачонки, ушбу ишлаб чиқариш усули ҳеч бўлмаганда битта омил сонини камроқ бўлиши, қолган омиллар эса бошқа усулдагилардан кўп бўлмаслиги керак. Бизнинг фикримизча, ресурсларнинг самарали тақсимланиши технологик самарадорликнинг синонимидир.

Шу билан бир қаторда ресурслар чекланган шароитда, жамият олдида яна бир жиддий муаммо - максимал даражадаги товар миқдорини энг юқори иқтисодий самарадорлигида ишлаб чиқаришни таъминлаш вазифаси турибди. Бунинг учун маҳсулот ишлаб чиқарувчилар мавжуд технологик самарадорлиги усуллар орасида энг арзон, минимал харажатлар талаб қиладиган вариантни танлаши керак.

Бошқача қилиб айтганда ишлаб чиқариш самарадорлиги ўз ичига "харажатлар – натижалар" муаммосини қамраб олади. Бу категория ишлаб чиқариш жараёнида қўлланадиган ресурслар (омиллар) сони ва қиймати, шунингдек ишлаб чиқарилган маҳсулот сони ва қиймати орасидаги боғлиқликни тавсифлайди.

Иқтисодий самарадорлик = Натижа / харажат

Италиялик иқтисодчи В. Паретонинг фикрича, мамлакатда ресурсларни

оптимал (самарали) тақсимлашда ким учундир ёмон қилмасдан туриб, ҳеч кимни ҳолатни яхшилаб бўлмайдиган шароити мавжуддир.

Мамлакат миқёсида иқтисодий самарадорликнинг энг яхши кўрсаткичи бизнинг фикримизча бир банд кишига тўғри келадиган ялпи миллий маҳсулот ёки ялпи ички маҳсулотнинг реал қийматидир. Масала шундаки, айнан банд кишилар бевосита ишлаб чиқарувчилар ҳамда бошқа омилларни ҳаракатга келтирувчи ҳисобланади.

Ишлаб чиқаришнинг микродаражадаги иқтисодий самарадорлиги ҳақида гап борар экан, бозор шароитида харажатлар ва чиқимларни маъмурий – буйруқбозлик тизимидан фарқ қиладиган даражада баҳоланишини алоҳида такидлаш керак. Хусусан:

- фирмалар нуқтаи назаридан харажатлар фойдаланиладиган ресурсларни мақбул ишлаб чиқарувчилардан, бошқа субъектлардан чалғитиш учун қилинадиган тўловлар ҳисобланади;

- харажатлар, яъни ишлаб чиқариш омиллар у ёки бу мулк эгасига тегишлилиги ва ҳисобга олиш усуллари бўйича ташқи ва ичкига ажратилади.

Ташқи ёки аниқ харажатлар – булар фирманинг пуллик харажатлари бўлиб, ишлаб чиқариш учун муҳим бўлган, ўзларига тегишли бўлмаган ресурсларни ташқаридан сотиб олиш билан боғлиқ. Бу харажатлар бухгалтерлик харажатлари деб юритилади, фирмаларнинг жорий фаолияти ва солиққа тортишда қўлланилади.

Ички ёки ноаниқ харажатлар – бу харажатлар хусусий ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ харажатлардир. Қийматига кўра ушбу ресурслар, бошқалар томонидан энг яхши фойдаланиши мумкин бўлган имкониятлардан олиннадиган пул даромадидир, яъни ресурсларнинг эгалари қўлдан бой берган имкониятидир. Масалан, кимдир дўкон сифатида фойдаланилаётган бинонинг

эгаси ҳисобланади ва ўз меҳнатидан сотувчи сифатида фойдланади, ўзининг тадбиркорлик қобилиятини ишни ташкил этиш учун сарф қилади.

Бунинг учун у ҳеч кимга ҳақ тўламайди, лекин агар у дўконини ижарага топширса, ижара ҳақи олиши мумкин. Бошқа фирмада сотувчи сифатида ишлаб маош олади, новаторлик менежменти соҳасида ўзининг хизматини таклиф қилади – нормал фойда кўринишидаги даромад олади.

Такидлаш жоизки, нормал фойда категорияси тадбиркорнинг новаторлик функцияларини бажаришдан оладиган минимал фойдасидир. Шу сабабли ҳам ушбу фойда айчи харажатлар таркибига киритилади. Ички ва ташқи харажатлар йиғиндиси фирмани келажакда оптимал ривожланиши бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиш билан боғлиқ иқтисодий харажатларини ташкил этади.

- бундан келиб чиқиб, фирманинг фойдаси а) бухгалтерлик ва б) соф иқтисодий фойдага бўлинади;

Агар ялпи даромаддан ташқи ва ички харажатларни айириб ташласак соф иқтисодий фойдани оламиз. Бу нормал фойдадан ортиқча даромад.

Аниқлик киритишимиз учун, нормал фойда умумий тушум иқтисодий харажатларга тенг бўлганда юзага келади, агар у иқтисодий харажатлардан ортиқ бўлмаса унда соф иқтисодий фойда юзага келишини такидлаймиз

Шу сабабли бухгалтерлик фойдаси эмас, балки иқтисодий фойда фирманинг мавжуд ресурсларидан самарали фойдаланиш меъзони бўлиб хизмат қилади.

Фирма фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини

умумий кўрсаткичи жами активлар рентабеллиги кўрсаткичи ҳисобланалди (R_a), соф иқтисодий фойдани (F_c) фирма одатдаги ресурслардан ташқари қимматли қоғозлар, захиралар, тугалланмаган ишлаб чиқариш кабиларни ўз ичига олган активлари қийматига нисбати сифатида ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш рентабеллиги (R_i) каби кўрсаткич ҳам ахамиятга эга. Бу кўрсаткич соф иқтисодий фойдани (F_c) асосий ва айланма фондларларнинг ўртача йиллик қиймати (Φ) нисбати орқали аниқланади.

Алоҳида ресурслар иқтисодий самарадорлигини тавсифловчи хусусий кўрсаткичлари мавжуд бўлиб, уларнинг турли тизимларда приципиал фарқлари йўқ. Булар меҳнат унумдорлиги, фонд қайтими, материал қайтими каби қиймат кўрсаткичлари ва ҳосилдорлик, чорвачилик маҳсулдорлиги, суғориш тизимининг фойдали иш ва сувдан фойдаланиш коэффициентлари, маҳсулот бирлигига тўғри келадиган сув сарфи каби натурал кўрсаткичлардир.

Хулоса. Мақолада келтирилган бозор механизми ҳақидаги чуқур тушунча унинг сир-асослари тўғрисидаги билимлар турли даражадаги субъектларга; фаолияти натижаларини тўғри баҳолаш учун, кейинчалик улар асосида максимал даражада фойда олиб келишини, бундай имконият йўқ бўлганда эса қисқа муддат ичида зафар келишини минималлаштиришни таъминлайдиган муассаса ҳажмларини, ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш миқдорларини оптималлаштириш учун имкон яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Макконнелл Р., Кэмпбелл Р., Стенли Брю Л., Экономикс, Москва, издательство «Республика», 1992.
2. Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. «Экономика», Москва дело Лтд 1995, 136 стр.
3. Manual of Political Economy, Augustus M. Kelley, New-York, 1971
4. Самуэльсон П. Экономика. В двух томах (1993).
5. Нигмаджанов У. Х., Экономическая теория, Ташкент «IQTISOD-MOLIYA» 2010.

УДК: 332.3: 502.7

ЗАКОНЫ ЕСТЕСТВОЗНАНИЯ В СФЕРЕ ЗЕМЛЕПОЛЬЗОВАНИЯ

А.С. Чертовичкий - д.э.н., профессор
Ташкентский институт ирригации и мелиорации

Аннотация

Мақолада табиатда ердан фойдаланиш соҳасига таъсир этувчи айрим қонунларнинг мазмуни ва таъсир этиш механизми ўрганиб чиқилган. Табиий таъсирлар жамламасининг ривожланиш қонуниятлари ва ернинг ишлаб чиқариш қувватлари, ундан жамиятда фойдаланиш жараёнида ҳисобга олиш зарурияти кўриб чиқилган.

Abstract

The paper studied the content and mechanism of action of some laws of nature working in the field of land use. The necessity of taking into account the patterns of development of natural systems and the productive land forces by using its society.

Аннотация

В статье изучены содержание и механизм действия некоторых законов природы, действующих в сфере землепользования. Рассмотрена необходимость учета закономерностей развития природных комплексов и производительных сил земли при использовании ее обществом.

Введение. Земля является главным компонентом природного комплекса (ландшафтных экосистем) и одновременно природным ресурсом, используемым обществом. Поэтому её функционирование обусловлено действием законов развития природы и общества в сфере землепользования.

Международное сообщество все в большей мере сталкивается с ухудшающейся тенденцией экологического состояния земли и снижающейся эффективностью землепользования: снижается качество почв и урожайность сельскохозяйственных культур, доходы и уровень благосостояния населения, ухудшающееся качество окружающей природной среды негативно сказывается на условиях жизнедеятельности человека. Сообщество не справляется с обостряющимся экологическим кризисом без научных исследований его причин и содержания, научного обоснования методов сохранения качества окружающей среды. Переход к устойчивому землепользованию можно осуществить только на научной основе, базирующейся на положениях законов развития природного комплекса и общества, полностью отказавшись от принципа «покорения» природы, получения материальных благ от использования земли любыми методами. Создание модели устойчивого землепользования связано с переходом к новой экологической политике, «экологизацией» землепользования, что требует предварительного изучения действия законов естествознания и экономических законов развития общества в сфере землепользования.

Рассмотрим основное содержание следующих законов естествознания в сфере землепользования и необходимость учета их действия с целью обеспечения устойчивого использования земельных ресурсов: органической связи тел и явлений земной поверхности, ландшафтном балансе, природном зонировании, единстве природы и общества, основная роль в установлении которых принадлежит академику В.В. Докучаеву. Значительный вклад в познание этих законов внесли Бекетов Н.Н., Берг Л.С., Вернадский В.В., Виноградов А.П., Менделеев Д.И., Тимирязев К.А., Тролл С. и другие ученые.

Закон органической связи тел и явлений земной поверхности. Окружающая человека природная среда - целостная живая система, единство которой обеспечивается тесной генетической связью между естественными

телами и явлениями природы (материнские горные породы, выветривание, осадочный материал, рельеф, воздух, вода, почва, растения, животные). Сложное взаимодействие между ними явилось главным фактором, определившим содержание и характер земной поверхности. Значительную роль на состав атмосферы, горных осадочных пород, почвы, гидросферы, структуру ландшафтов оказали живые организмы.

Главным, незаменимым связующим звеном между «живой» и «неживой» природой является почва, объединяющая в общую систему весь комплекс природных тел и явлений. Дифференцированные, относительно автономные природные объединенные системы представляют собой ландшафты со сложными взаимосвязями и взаимозависимостями между их компонентами. Ухудшение качественного состояния одного или нескольких из них влечет за собой ухудшение других компонентов и всей ландшафтной экосистемы.

Почва – особое природное тело, верхний слой земли, минерально-органическое образование, продукт многовековой совокупной деятельности материнской горной породы, живых и отживших организмов (растений и животных), воды, воздуха, климата, рельефа. Эти факторы оказывают различное по активности и результативности влияние на почвообразовательный процесс. Учеными выделено решающее значение климатических условий в образовании почвы. Вместе с тем, сама почва оказывает влияние на климат, водный баланс, растения.

Почва населена микроорганизмами и роющими животными, в ней содержатся воздух, вода, растворимые соли, органические вещества, минеральный субстрат; посредством содержащихся сложных органических соединений происходит обмен веществ с окружающей природной средой, в почве остатки прежней жизни питают новую жизнь. Значительная роль в формировании почвы принадлежит растениям. В почве одновременно происходит процесс разложения сложных органических веществ (с выделением углерода, азота, фосфора, калия, магния и серы в доступной форме для усвоения растениями) и процесс образования новых сложных соединений из простейших (с поглощением выделенных углерода, азота, фосфора, калия, магния и серы новыми растениями). Роль почвы, как связующего звена материальных частиц и явлений

природы, обусловлена не только протекающими в ней физико-химическими и биологическими процессами, но и тем, что она сама находится в промежуточном положении между нижней, подпочвенной частью живой природы (минеральные массы живой коры) и верхней, надземной живой природой (растения, животные) и соединяет их.

Использование почв должно базироваться на знании взаимозависимостей ее с другими компонентами ландшафта, роли растений в формировании плодородного слоя. Не учет этой взаимосвязи, отсутствие необходимых мелиораций земли ведет к истощению почвы.

Закон о ландшафтном балансе. Ландшафты - это определенная территория, местность, реально существующие части земной поверхности, относительно автономные природные образования, отличающиеся друг от друга по своей форме и структуре, саморегулирующаяся система, стремящаяся к стабильному состоянию. Ландшафт в структурном плане представляет собой совокупность природных компонентов со сложными между ними взаимосвязями и взаимодействиями. В типологическом плане ландшафт является относительно однородной местностью, состоит из морфологических частей, которые определяют его тип. Каждому конкретному ландшафту свойственны свои неповторимая форма и структура, развитие в пространстве и времени, обусловленное постоянно протекающими в ландшафтах био-логическими процессами.

Ландшафтный баланс – комплексное понятие, сложная субстанция, включающая водный баланс (его основу), энергетику поверхностного слоя Земли, почвенное плодородие и биомассу. Ландшафтный баланс всех его составляющих компонентов обеспечивает устойчивость развития его структуры и функционирования системы, нарушение баланса ведет к нарушению и структуры, и функционирования системы.

Условием развития ландшафтов является взаимодействие живой и неживой природы, биологические процессы, протекающие в них. Существенная роль в поддержании его баланса принадлежит живым организмам, находящимся в почве, которые утилизируют органические остатки растений и животных в почве и вырабатывают минеральные вещества, являющиеся питательной средой для новых растений, а через них и животных.

Для ландшафта характерны прямые и обратные связи между его природными компонентами, способствующие обмену веществом и энергией между ними и обеспечивающие простое саморегулирование - стабильное или относительно стабильное состояние его структуры. Наиболее сложной по характеру и значимости составляющей ландшафтного баланса является почвенное плодородие. Сложность его обусловлена сложностью почвообразовательного процесса, значимостью – абсолютной незаменимостью почвенного плодородия в природе (а также в жизни человека).

Большая часть естественных ландшафтов в настоящее время испытывает значительное антропогенное воздействие и как следствие нарушается ландшафтный баланс, их устойчивость и способность к саморазвитию, изменяется растительный и животный мир. Массштабное орошение и освоение новых земель в прошлом веке (Голландия, Каршинская, Джизакская степи, Центральная часть Ферганской долины и др.) без учета предельных антропогенных нагрузок на природные ландшафтные системы привело к нарушению водного баланса на этих массивах, вызвало засоление и заболачивание земель. Нарушение системы севооборотов, отсутствие биологических методов воспроизводства плодородия почвы

явилось причиной нарушения баланса питательных веществ в ландшафтах, истощения почв. Перевыпас скота на пастбищах, отсутствие необходимых мелиораций угодий вызвали деградацию пастбищных ландшафтных систем, привели к снижению урожайности естественных трав и продуктивности животных. Массовая вырубка в пустынной и полупустынной природно-климатической зоне древесных и кустарниковых насаждений местным населением для хозяйственных нужд явилось причиной потери ландшафтами способности саморегуляции, самовосстановления и привело к наступлению подвижных песков на оазисы. Трансформация природных ландшафтов в агроландшафты без учета предельных возможностей ландшафтных экосистем к саморегуляции привело к потере ими своих способностей самовосстановления. Так, соотношение природных и агроландшафтов во многих сельских районах составляет 0,45 : 0,55 в пользу последних, а в ряде районов Ферганской долины оно достигает 0,20 : 0,80, при предельных возможностях ландшафтных систем как 0,60 : 0,40 в пользу природных ландшафтов (например, [1, с.8], [2, с.81]).

Основная значимость ландшафта для общества состоит в том, что его ресурсы – растительная биомасса и, в меньшей степени, животная – являются основными продуктами питания человека. Изучение вопросов устойчивости ландшафтов к антропогенным нагрузкам существенно для хозяйственного использования их ресурсов без ущерба их системам, для сохранения их способности самовосстановления. С познанием закономерностей развития различных ландшафтных экосистем появляется возможность устанавливать функциональную значимость отдельных ландшафтов и определять оптимальный характер использования их природных ресурсов, связано эффективное развитие общества и сохранение окружающей его природной среды. Изучение закономерностей развития и наличия связей в каждом конкретном ландшафте особенно важно для устойчивого развития сельского хозяйства, которое зависит от правильного учета природных свойств многих его компонентов и, прежде всего, ресурсного потенциала почвы.

Закон о природном зонировании (образовании ландшафтных зон), в основу которого положены открытые Докучаевым В.В. изменения почв в широтном направлении [3], [4]. Наличие разных климатических поясов с соответствующей им тепловой широтной зональностью изменяет почвы в широтном направлении, что в свою очередь повлекло разнообразие растительности на тех или иных участках земной поверхности. Все это привело к возникновению по форме и структуре крупных природных систем или ландшафтных зон. Таким образом, различное распределение по земной поверхности соответствующего количества тепла и влаги обусловило появление природных зон или ландшафтов. При этом главной причиной их образования явилось наличие климатических поясов планеты, активным фактором - изменение почв в широтном направлении, а разнообразие ландшафтов есть условие природной зональности.

Для развития ландшафтов характерны два основных типа взаимосвязей – внутренние (вертикальные) и внешние (горизонтальные). К первому типу (вертикальные) отнесены взаимосвязи между природными компонентами конкретного ландшафта определенной местности, они определяют причины различия. Развитие ландшафтов происходит под воздействием сил природы, имеющих противоречивый характер: позитивный, создающий (эндогенный) и негативный, разрушающий (экзогенный).

Этот фактор является основной причиной различия ландшафтов. Не-прерывное появление нового и разрушение старого по существу есть процесс развития ландшафта, который носит необратимый характер. Внутренние различия процессов развития ландшафтов, обусловленные различными климатическими поясами и тепловой широтной зональностью, определяют различные индивидуальности, формы, конкретность ландшафта той или иной территории. Второй тип взаимосвязи (горизонтальные) включает взаимосвязь между собой ландшафтов на всей поверхности земли. Их внешняя структура определяется воздействием надземной и подземной частями биоценозов, развитие которых непосредственно связано с почвой и которые несколько дифференцированы в соответствии с зональностью почвы. Дифференциация биоценозов и зональность почв определяют качественное отличие ландшафтов друг от друга в природе. Таким образом, без различия или разнообразия нет ландшафтов, нет природной зональности.

Знание закономерностей их развития, закономерности региональной дифференциации позволяет рационально и эффективно подходить к использованию ландшафтного ресурса. Закону зональности подчиняются и почвенные микроорганизмы и бактерии, которые выполняют основную роль в почвообразовательном процессе, поэтому охрана почвенных животных и растений является необходимым условием для сохранения и увеличения плодородия почв. Положение закона о зональности положено в основу природно-климатического районирования в сельском хозяйстве. Каждый индивидуальный ландшафт представляет собой интерес и ценность для сельского хозяйства, что требует строгого учета природно-климатических условий при организации сельских территорий, размещении земельных угодий, севооборотных массивов, сельскохозяйственных культур.

Закон единства природы и общества. С появлением жизни на планете человек для удовлетворения своих жизненных потребностей осуществлял сбор плодов и пищевых трав, занимался землепользованием в его простейшей форме и был поставлен в зависимость от природных ресурсов. С развитием скотоводства, а затем и земледелия характер землепользования усложнялся, росла и зависимость человека от природы. Отсутствие организованного использования пастбищ и пашни, необходимых мелиораций по восстановлению их продуктивности привело к деградации земель. Природа в форме деградации и истощения земель начала мстить человеку: скотоводы вынуждены были перейти к кочевому образу жизни, а земледельцы – к переложной системе земледелия.

Почва не воспринималась как живой организм, как особое природное тело, связанное с другими элементами ландшафтных экосистем. В этой связи не рассматривалось не только изменение почвы под воздействием окружающей среды, но и активное воздействие самой почвы как главного природного компонента и ресурса на другие компоненты ландшафтных экосистем, то есть на саму же

окружающую среду. Бесхозяйственное отношение к земле (почве как главному компоненту природного комплекса) вызвало ухудшение экологического состояния земли (почвы), негативно сказалось на экологии растительного и животного мира, на качестве окружающей среды, в которой находится человек. Главными элементами питания человека являются растительные организмы, которые вместе с животными составляют основной продуктивный ресурс ландшафта. Продуктивность растительности, в том числе и культурной, в одних и тех же типах ландшафтов, но на разных участках земной поверхности различна. Это зависит от почвенного плодородия, тепла, влаги, агротехнических приемов и т.д.

Непрерывно возрастающие потребности цивилизованного общества к качеству и объемам материальных и иных благ, получаемых от земли, способствовали интенсивному возрастанию антропогенной нагрузки на землю, причем, как правило, без учета ее производительных сил и возможных неблагоприятных последствий. Во главу использования земельных ресурсов были поставлены сиюминутные интересы: как можно скорее и больше получить материальных благ от использования почвы, забота о восстановлении ее плодородия всерьез не воспринималась. Индустриальный путь развития хозяйства без надлежащего учета экологического аспекта использования земель в историческом плане привел к значительной их деградации и опустыниванию (например, появление пустыни Сахара, экологический кризис в бассейне Аральского моря и др.).

Выводы.

В настоящее время система землепользования приняла достаточно сложный характер и представляет собой объективный непрерывный управляемый процесс использования земельных ресурсов обществом. Тем не менее, тенденция деградации земель и опустынивания является возрастающей, статистика свидетельствует о масштабной деградации земель и усилении процесса опустынивания на планете. Мировое сообщество вынуждено было переходить от познания природы к бережному природопользованию, к устойчивому развитию, в том числе устойчивому землепользованию. Требуются новые экологические подходы, новые научные и технические изыскания в использовании земельных ресурсов. В этой связи необходимым условием развития жизни на планете является обязательное единство природы и общества, гармоничное сочетание интересов развивающегося общества и природного комплекса по обмену веществ, предотвращающее истощение природных ресурсов. Необходимо перейти от эксплуатации природных ресурсов к сознательному преобразованию природы путем изучения ее производительных сил и на этой основе улучшать хозяйственную деятельность. В равной мере это заключение относится и к использованию земельных ресурсов в Узбекистане, где в настоящее время осуществляется переход к устойчивому землепользованию на основе новой экологической политики.

Список использованной литературы:

1. Алакоз В.В., Никонов В.Н. Землеустройство, земельные отношения, проблемы и решения. Землеустройство и кадастры: проблемы и пути их решения. – М.: ГУЗ, 2013. - С. 6-18.
2. Крюкова Н.А. Анализ формирования и функционирования агроландшафтов в традиционном и ландшафтно-экологическом землеустройстве. Землеустройство, кадастр и мониторинг земель. 2011, №9. с. 77-83.
3. Баландин Р.К. В.В. Докучаев. – М.: Просвещение, 1990. – 96 с.
4. Чупахин В.М. Основы ландшафтоведения. – М.: Агропромиздат, 1987. – 168 с.

УДК: 631-6.001.76

СУВ ХЎЖАЛИГИНИ ИННОВАЦИОН-ИНВЕСТИЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ

С.Р.Умаров - и.ф.н., доцент
Тошкент ирригация ва мелиорация институти

Аннотация

Мамлакатимиз фанининг ривожланиши ва такомиллашиб боришига илмий-тадқиқот ишларининг молиялаштириш даражаси катта таъсир кўрсатиб, улар асосан давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилмоқда. Шу боис, ушбу мақолада инновацион фаолиятни молиялаштиришда давлатнинг муҳим инвестицион тадбирлари, инновацион ярмаркаларда ишланмаларни намойиш этилганлиги ва ишлаб чиқарувчилар ўртасида тузилган шартномалар ҳамда сув истеъмолчилари уюшмалари ҳудудида амалга оширилган инновацион ва мелиоратив тадбирларнинг самарадорлиги таҳлил қилинган. Сув хўжалиги тизимда инновацион ишланмаларни амалиётга самарали тадбиқ этишни йўлга қўйиш мақсадида, ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари қошида жамғармаларни ташкил этиш тўғрисида таклифлар келтирилган.

Abstract

Financing rate of research works influences significantly for science development and perfection in the country. Research works, especially are financed by state budget funds. For that reason, important investment measures of state on financing of innovative activity, innovative works which are demonstrated in the fairs and contracts among the producers and effectiveness of innovative and ameliorative measures which are executed in the territories of Water Users Associations (WUAs) are analyzed in the article. Moreover, scientific suggestions on organizing the funds at the Basin management of Irrigation Systems (BMIS) for implementing of innovative works to the practice effectively in water sector are highlighted in this paper.

Аннотация

На развитие и совершенствование науки страны большое влияние оказывает уровень финансирования научно-исследовательских работ, которое осуществляется в основном из бюджетных средств. В связи с этим, в статье проанализированы важные инвестиционные мероприятия в финансировании инновационной деятельности, проведении ярмарок инновационных разработок, в составлении договоров между производителями, а также в осуществлении инновационных и мелиоративных мероприятий в ассоциациях водопотребителей. Приведены предложения по созданию фондов при бассейновом управлении ирригационных систем для внедрения инновационных разработок в систему водного хозяйства.



Мамлакатимизда фанининг ривожланиши ва такомиллашиб боришига молиялаштириш даражаси катта аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам молиялаштириш илмий-тадқиқот ишлари самарадорлигини белгиловчи ва самарали бошқариш қуролига айланиб боради. Бу ўз навбатида илмий-тадқиқот ишларини олдиндан белгилаб олиш имкониятини беради.

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида инновацион фаолиятни молиялаштириш давлатнинг муҳим инвестицион тадбирларидан бири бўлиб, қуйидаги стратегик вазифалар бажарилишини таъминлайди:

- фан-техниканинг илғор ютуқлари амалиётга тадбиқ этилиши орқали миллий иқтисодийнинг таркибий жиҳатдан технологик қайта қурилишини таъминлайди;

- мамлакат иқтисодийнинг устувор йўналишида фан-техника ва инновацион потенциални сақлаб қолиш ва ривожлантириш учун хизмат қилади.

Сув хўжалигини барқарор ривожлантириш, тармоқда фан ва техника тараққиётини жадаллаштириш – унинг йўналишларини замон талабларига мос белгилаш, инновацион янгилекларни мунтазам ва тезкорлик билан жорий этиш каби йўналишларда амалга ошириладиган истиқболли лойиҳаларни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш ва ноанъанавий манбаларини излаб топish билан бевосита боғлиқ.

Тадқиқотлар шунини кўрсатмоқдаки, илмий-тадқиқот ишларини молиялаштиришнинг амалдаги механизми бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб бермайди. Хусусан,

танловга қўйилаётган мавзулар бир-бирини такрорлаши, лойиҳа мавзуларини тор маънодаги муаммолар ечимларига бағишланаётганлиги, илмий-тадқиқот ишларига ажратилган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигининг пастлиги, инновацион тадқиқот ишларини молиялаштириш масалаларига етарлича эътибор берилмаётганлиги ва илмий-тадқиқотларни молиялаштиришнинг ноанъанавий усулларидан кенг фойдаланилмаётганлиги ва шу каби бошқа бир қатор муаммолар мавжуд.

Келажакда кадрларнинг малакаси ошиб бориши тармоқни ривожлантиришнинг мураккаблик даражасига мос равишда юз бериши лозим. Мамлакат илмий салоҳиятини ривожлантиришда илмий фаолият самарадорлигини ошириш, аграр фанини такомиллаштиришнинг янги концепциясини ишлаб чиқиш лозим бўлади.

Маълумки, республика сув хўжалигига илмий-тадқиқот ишларининг асосий буюртмачиси ва молиялаштирувчиси давлат бўлиб қолмоқда. Демак, илмий-тадқиқот ва инновацион ривожлантириш ишларига йўналтирилаётган маблағларнинг самарадорлигини ошириш, яқунланган ишларни амалиётга жорий қилиш ҳам муҳим муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Бунинг учун илмий-тадқиқотларни ва илмий ишланмаларни жорий этишни молиялаштиришда, қишлоқ хўжалигида илмий ишланмаларни жорий қилишдан фойдаланувчи субъектларнинг бу жараёндаги бевосита иштирок этиши механизмининг такомиллаштириш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил

15 июлдаги ПҚ-916-сонли “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, 2008 йилдан бошлаб Вазирлар Маҳкамасининг махсус фармойишлари билан «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси» “Ўзэкспомарказ”да ўтказилиб келинмоқда [1].

Ўтказиб келинаётган ва фан ҳамда ишлаб чиқариш ўртасидаги кооперацион алоқани таъминлашнинг амалий механизмига айланиб улгурган Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси, 8 йил мобайнида давлат, фан, ишлаб чиқариш ва бизнесни самарали бирлаштиришнинг ажойиб имкониятини яратиб бермоқда ва ўзида инновация жараёни иштирокчиларини қўллаб-қувватловчи ўзаро ҳаракатларнинг барча даражаларини муваффақиятли мужассамлаштириб келмоқда.

Ўтказилган ярмаркалар доирасида 4000 дан ортиқ инновацион ғоялар ва технологиялар намойиш этилиб, умумий молиявий ҳажми 113,8 млрд.сўм бўлган 3000 тадан ортиқ шартномалар имзоланган. Ярмаркалар натижасида йирик корхоналаримизда 22 та технологиялар саноат миқёсида жорий қилиниб, 1 трлн. сўмдан ортиқ янги маҳсулот ишлаб чиқарилди, 54 та технология ва ишланмаларнинг саноат синовлари яқунланмоқда. Юзлаб корхоналар, фермер хўжаликлари ва тадбиркорлик субъектларига илмий хизматлар кўрсатилган [2].

Инновацион ишланмаларнинг соҳавий тақдимотларига бағишланган кўرғазмаларда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг олимлари томонидан ҳам охириги йилларда соҳа фанида яратилган илмий ишланмалар намойиш этилган.

Шунингдек, 2014-2016 йиллар давомида инновацион Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтлари томонидан жами бўлиб, 131 та ишланмалар намойиш этилган. Намойиш этилган ишланмалар сони 2016 йилда 2014 йилга нисбатан 11,1 фоизга камайган (1-жадвал).

1-жадвал
Олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институти томонидан инновацион ярмаркаларга намойиш этилган ишланмалар таҳлили, донa

т/р	Муассасалар номи	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2016 й.ни 2014 й.га нисбатан ўзгариши, %
1.	Тошкент давлат аграр университети	29	14	14	48,3
2.	Тошкент ирригация ва мелиорация институти	11	15*	11*	-
3.	Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти	5	5	2	40,0
4.	Андижон қишлоқ хўжалиги институти	5	4	9	180,0
5.	Ирригация ва сув муаммолари ИТИ	5	8	4	80,0
Жами:		45	46	40	88,9

* институт Илмий Кенгаши материаллари асосида

Мазкур ишланмалар қишлоқ хўжалиги экинларининг янги навлари, бирламчи уруғчилиги ва уларни самарали етиштириш агротехнологиялари, мевали ва манзарали дарахтлар ҳамда уларнинг дастлабки кўчатчилиги, қишлоқ хўжалиги экинлари, мева ва узумни парваришладдаги ресурстежовчи технологиялар, ўсимликларни химоя этишнинг такомиллашган усуллари, сув тежовчи технологиялар, ирригация ва мелиорация тадбирларининг янги ечимлари, кичик сув ҳавзаларида балиқ етиштиришнинг интенсив технологияси, маҳаллий хом ашёлар асосидаги янги ветеринария препаратлари, энергия тежовчи янги қишлоқ хўжалик техникаларидан иборат бўлди.

2014-2016 йилларда ўтказилган инновацион ярмаркаларда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари билан фермер хўжаликлари ҳамда бошқа буюртмачилар ўртасида 3485,9 млн. сўмлик 310 та шартномалар тузилган (2-жадвал).

2-жадвал
Инновацион ярмаркаларда фермер хўжаликлари ва бошқа буюртмачилар ўртасида тузилган шартномалар, млн. сўм

т/р	Муассасалар номи	2015 йил		2016 йил		Жами	
		сон	суммаси	сон	суммаси	сон	суммаси
1.	Тошкент давлат аграр университети	60	476,9	32	987,4	92	1464,3
2.	Тошкент ирригация ва мелиорация институти	24	326,0	23	793,0	47	1119,0
3.	Ирригация ва сув муаммолари ИТИ	3	15,0	-	-	3	15,0
4.	Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти	78	570,3	50	1,6	128	571,9
5.	Андижон қишлоқ хўжалиги институти	14	41,7	26	277,0	40	318,7
Жами:		179	1429,9	131	2056,0	310	3485,9

Жадвалдан кўриш мумкинки, 2015 йилда 1429,9 млн. сўмлик 179 та шартнома ва 2016 йилда 2056,0 млн. сўмлик 310 та шартномалар имзоланган. Ушбу тузилган шартномаларнинг 50 таси ёки 16,1 фоизи Тошкент ирригация ва мелиорация институти ҳамда унинг қошидаги Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан яратилган инновацион ишланмаларни ташкил этади. Ушбу инновацион ишланмаларнинг умумий қиймати 1134,0 млн. сўмга тенг бўлиб, бу кўрсаткич 2015-2016 йиллардаги шартномалар қийматининг 32,5 фоиздан ортигини ташкил этади. 2014 йилдаги инновацион ярмаркада бирорта ҳам шартнома имзоланмаган [3].

Мамлакатимизда инновация фаолияти ҳозирги вақтда асосан давлат бюджети маблағлари ҳисобига амалга ошириб келинмоқда. Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, инновация фаолиятининг асосан давлат бюджети ҳисо-

бидан молиялаштирилиши унинг сифат кўрсаткичларини пасайтирар экан. Инновация лойиҳалари қўшма молиялаштирилганида бюджет маблағларидан янада самарали фойдаланилади.

Илмий ва инновация лойиҳаларини амалга ошириш учун ажратиладиган бюджет маблағларининг чекланганлиги ишлаб чиқилган технологияларни тижорат маҳсулоти сифатида бозорга олиб чиқишга тўла имкон бермайди. Масалан, ривожланган мамлакатларда фундаментал, амалий ва инновация лойиҳаларига тегишлича 20%, 20%, 60% нисбатларда молиявий маблағ ажратилади, Ўзбекистонда эса бу кўрсаткичлар 30%, 55%, 15% ни ташкил этади. Инновацион тадқиқотларни молиялаштириш механизми ва ҳажмларини тубдан ўзгартириш зарур.

2014 йил якуни ҳолатига Ўзбекистонда илмий маҳсулотлар экспорти 5,5 млн. АҚШ долларини ташкил этган. Бу кўрсаткичларнинг барчаси, Фанлар академиясининг улушига тўғри келади. Умуман Фанлар академияси институтлари томонидан 2006-2014 йиллар давомида 25,6 млн. АҚШ доллар миқдоридоги маҳсулот экспорт қилинган. Шу боис, бу борада сув ҳўжалиги тизимида яратилаётган илмий маҳсулотлар экспортини ташкил этиш лозим.

Ўзбекистонлик олимлар кўп томонлама халқаро дастурлар ва танловлар доирасида қўшма лойиҳаларда чет эллик шериклар билан бирга фаол иштирок этмоқдалар. Умуман, халқаро илмий-техник ҳамкорлик бўйича ҳорижий илмий жамғармаларнинг маблағлари ҳисобига ҳозирги вақтда 55 та лойиҳа бўйича илмий ишлар бажарилмоқда (умумий маблағ – 4,3 млн. АҚШ доллари, 763120 евро ва 291,0 фунт стерлинг, 45000 Канада доллари, 128,0 млн сўм) [4].

Иқтисодиётнинг устувор тармоқларидан бири бу сув ҳўжалиги тизими бўлиб, тизимни молиялаштириш бугунги кунда асосий давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилмоқда. Лекин ажратилган маблағлар тизимни барқарорлигини таъминлашда камлик қилмоқда, шу сабабли сув ҳўжалиги тизимини бошқа молиявий ресурслар, жумладан ташқи инвестицияларни жалб қилиш асосида ривожлантириш бугунги куннинг долзарб масаласи ҳисобланади.

Чунки тармоқни устувор шалқда ривожлантириш учун унинг моддий-техника базасини мустаҳкам равишда барпо этиш зарур. Бунинг учун уни замонавий бино-иншоотлар, барча турдаги зарур техникалар, сув ҳўжалик механизмлари, ички ирригация ва мелиорация иншоотлари ҳамда айланма воситалар ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлаш лозим. Ҳозирги даврда инвестицион маблағлар янги, самарали технологияга ҳамда интеллектуал мулкни барпо этишга ҳам сарфланиши мақсадга мувофиқдир. Бу муаммонинг тўғри ва самарали ҳал этиш учун ирригация тизимлари ҳавза бошқармасига маълум миқдордаги инвестициялар сарфланишини объектив равишда талаб этади.

Жумладан, Самарқанд вилояти Каттакўрғон туманидаги Мадад сув-ЖРК сув истеъмолчилари уюшмалари ҳудудида жойлашган фермер ҳўжаликларида қишлоқ ҳўжалиги экинлари ўртасида сув ресурсларини оптимал тақсимлаш ва коллектор-дренаж тармоқларини таъмирлаш натижасида қишлоқ ҳўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ўсган [5].

Биз ушбу тадқиқот натижалари асосида, мелиоратив тизимларни модернизациялашнинг иқтисодий самарадорлиги ҳамда мелиоратив тизимлардан фойдаланишда

инвестициялар самарадорлигини баҳолаш услубиётига асосан, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг ҳосилдорлиги ва унинг иқтисодий самарадорлигини баҳоладик. Тадқиқот натижаларига кўра, ҳудудда мелиоратив ва инновацион тадбирларни қўллаш натижасида 2010-2015 йилларда қишлоқ ҳўжалиги экинларининг ҳосилдорлиги ошган. Жумладан, ғўза - 0,77 т/га, ғалла - 1,23, помидор - 2,44, маккажўхори (ем ҳашак учун) - 3,39, мош (иккинчи экин) - 0,27 т/га ҳосилдорлиқнинг умумий ўсишига эришилган. Бунинг натижасида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштиришда даромаднинг умумий ўсиши 76619,4 млн. сўмни ташкил этган.

Бундан шуни хулоса қилиш мумкинки, уюшма ҳудудида ўтказилган инновацион ва мелиоратив тадбирлар натижасида қишлоқ ҳўжалиги экинларининг ҳосилдорлиги ошиши ҳисобига фермер ҳўжалиқларнинг даромади ҳам мос равишда ошган. Ушбу тадбирларни бошқа сув истеъмолчилари уюшмалари ҳудудларига ҳам қўлланилса, қишлоқ ҳўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини ошириш имконияти пайдо бўлади. Бу эса, уюшма ҳудудидаги фермер ҳўжалиқларининг даромади ошишига хизмат қилади.

Сув ҳўжалигида илмий таъминотининг асосий вазифаси, соҳанинг ҳозирги ҳолатини чуқур таҳлил қилиш ва уни барқарор ривожланиш йўналишларини илмий асослаб, шу йўналишларни амалиётга жорий қилиш ва молиялаштириш механизминини ишлаб чиқишдан иборат. Бунда ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари (ИТХБ) жойлашган ҳудудларнинг табиий-иқлим шароити, экологик, иқтисодий ва ижтимоий хусусиятларини ўзгариши ҳамда бозор тамойилларини ҳисобга олган ҳолда, соҳасини ривожлантириш стратегияси ва тактикаси давлатнинг мувофиқлаштириш сиёсатида ўз ифодасини топиши керак. Бу эса ўз навбатида, тадқиқот ишларини молиялаштириш услубини такомиллаштириш ва амалга ошириш механизминини ишлаб чиқишни тақозо қилади.

Республика сув ҳўжалиги тизимида инновацион салоҳиятдан янада самарали фойдаланиш учун давлат ва ҳудудлар миқёсида амалга оширилаётган ишлар кўламини янада ошириш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Бунинг учун ҳозирги вақтгача давлатимиз томонидан ташкил этилган инновацияларни қўллаб-қувватловчи Фондлар фаолиятини янада фаоллаштириш зарур.

Шунингдек, бизнинг фикримизча, иқтисодиёт тармоқларининг миллий иқтисодиётда тутган ўрни ва стратегик аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда улар фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида мазкур вазирликлар таркибига кирувчи корхоналар фаолиятини модернизациялаш ва инновацион ривожлантиришни қўллаб-қувватловчи Фондлар ташкил қилиш яхши натижалар беради. Шу нуқтаи назардан қараганда сув ҳўжалиги тизимида ҳам уни инновацион асосда ривожлантиришга кўмаклашувчи махсус фонд ташкил этилиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси фаолияти қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришинини янада барқарор ривожлантириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, уларнинг унумдорлигини ошириш ва шу асосда қишлоқ ҳўжалиги экинлари ҳосилдорлигини кўпайтириш, шунингдек мелиорация ишларини ташкил қилиш ва молиялаштириш механизминини такомиллаштириш учун зарур шарт-шароитларни яратишда ўз ижобий натижалар

рини берди. Лекин мазкур жамғарманинг Низомига асосан асосий вазифалари сифатида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашнинг узоқ муддатли ва ўрта муддатли Давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва ушбу дастурлар бажарилиши устидан назорат ўрнатиш вазифаси юклатилган. Албатта ушбу жамғарманинг мелиоратив объектларни реконструкция қилиш ва қуриш, лойиҳалашни амалга ошириши ҳам қайд этилган.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлдаги ПП-916-сонли қарорига асосан, республикада инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш мақсадида “Инновацион илмий-техникавий фаолиятни молиялаштириш Фонди” ҳам ташкил этилган. Инновацион фаолият билан шуғулланувчиларга солиқ имтиёзлари берилди, йирик корхоналарда модернизация ва янги технологиялар жамғармалари ташкил этилди, корхоналарнинг инновацион стратегиясини ишлаб чиқувчи инновацион марказлар ташкил этилди, вилоятларда ҳудудий Инновация фаолияти ва технологиялар трансфери марказлари ташкил этилди. Лекин ушбу фондлар ва марказларнинг ҳам ташкилий ва фаолият қўлами жуда катта бўлиб, иқтисодиёт тармоқларининг ўзига хос бўлган хусусиятлари ҳамда жиҳатларини ҳисобга олиш имкониятлари чекланган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, республика сув хўжалиги тизимида шакллантирилган инновацион салоҳиятдан янада самарали фойдаланиш ва инновацион таъминотини яхшилаш мақсадида, ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари қошида “Инновацион ривожлантириш” жамғармаларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Чунки, Вазирлар Маҳкамасининг 320-сонли қарорининг 4-иловасига биноан тасдиқланган ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси аппаратининг намунавий тузилмасида ҳам бевосита инновацион фаолият билан шуғулланувчи таркибий бўлим ёки тузилма ташкил этилиши кўзда тутилмаган.

Республика раҳбарияти томонидан иқтисодиётни мо-

дернизациялаш ва инновацион асосда ривожлантириш бўйича белгилаб берилган вазифаларни бажарилишини таъминлаш ва давр талабидан келиб чиққан ҳолда юқорида қайд этилганидек, ИТХБлар қошида ташкил этиладиган жамғармаларнинг таркибига жойларда фаолият юритаётган катта ҳаётий ва меҳнат тажрибаларига эга бўлган ҳамда юқори малакали кадрларни жалб этиш лозим. Ушбу жамғарма ИТХБ “Сув хўжалиги Кенгаши” ва ИТХБ бошлиғи бўйсунгани ҳолда фаолият юритиб, ИТХБ таркибига киритилган барча корхона ва ташкилотларда инновацион жараёнларни ташкил этиш, улар фаолияти мониторингини юритиш ва мувофиқлаштириш ишларини амалга оширади.

Ташкил этилиши кўзда тутилаётган жамғарма хўжалик ҳисоби тамойилида фаолият юритиб, дастлабки даврда марказий ижро аппарати ходимларидан ташкил топади. Жамғарма фаолиятининг ривожланиб бориши даражасидан келиб чиққан ҳолда Бошлиқ ва Кенгаш тавсиясига асосан жамғарма раиси ва унда ишловчи мутахассислар жамоаси шакллантирилади ҳамда жамғармага юридик шахс мақоми берилади.

Жамғарма ИТХБ тизими корхоналари билан бирга сув хўжалиги тизимидаги илмий-тадқиқот, олий таълим ва бошқа инновацион фаолият билан шуғулланувчи корхоналар билан ҳамкорлик ишларини ташкил этади. Бир сўз билан айтганда, жамғарма фаолияти ушбу масалага тааллуқли бўлган қонун ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мос равишда сув хўжалиги кенгаши қарори билан ташкил этилиши лозим.

Хулоса. Республика сув хўжалиги тизимидаги ИТХБлар тизимида жамғармаларнинг ташкил этилиши амалга оширилаётган ва бажарилиши кўзда тутилаётган инновацияларнинг мамлакатимиз ҳудудларининг ўзига хос бўлган ислохотларни тўлиқ ҳисобга олганлиги ва бунда ИТХБлар масъулиятини янада ошириши каби омиллар натижасида янада юқори самарадорликка эришилишида ижобий ўрин тутади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлдаги «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-916-сонли қарори. - www.lex.uz.
2. Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологияларни ривожлантириш қўмитаси маълумотлари. - www.uzscience.uz.
3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг маълумотлари (2014-2016 йиллар).
4. Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологияларни ривожлантириш қўмитаси маълумотлари. - www.uzscience.uz.
5. Мурадов Р.А. Сув истеъмолчилари уюшмаларида ирригация ва мелиорация тизимларидан фойдаланишнинг технологик асослари. Техника фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент, 2015.

УДК:375.035

КАСБ ТАЪЛИМИ МЕТОДИКАСИ ФАНИ БЎЙИЧА ЎҚУВ ДАСТУРИНИ УНИВЕРСАЛЛАШТИРИШ МАСАЛАСИ

З.К.Исмоилова - профессор
Тошкент ирригация ва мелиорация институти,
П.М.Махсудов – доцент,
Наманган муҳандислик – технология институти

Аннотация

Мақола олий таълим муассасаларида “Касб таълими методикаси” фани ва касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда ушбу фанни аҳамияти масалаларига бағишланган. Касб таълими ўқитувчисини методик фаолияти ва методик фаолиятга тайёрлаш тузилмаси ҳақида сўз юритилган. Касб таълими йўналишларида ушбу фанни ўқитилишини ҳозирги ҳолати мазмунан таҳлил қилинган ва уни самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар берилган.

Abstract

The article is devoted to the value of discipline «Methods of Professional Education» and its role in the preparation of professional education of teachers in higher education institutions. The article describes the essence of methodological activities and on the structure of methodical activity of vocational education teachers. Dan meaningful analysis of the current state of teaching discipline and proposals for improving its effectiveness.

Аннотация

Статья посвящена значению дисциплины «Методика профессионального образования» и её роли в подготовке преподавателей профессионального образования в Высших учебных заведениях. В статье говорится о сущности и структуре методической деятельности преподавателей профессионального образования. Дан содержательный анализ современного состояния обучения дисциплины и предложения по повышению её эффективности.



Кириш. Ўзбекистон Республикасининг “Малака-ли педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қароридан касб-хунар коллежларига етук педагог кадрлар тайёрлаш савияси ва сифатига ҳамда битирувчиларнинг касбий тайёргарлигига алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидланган [1].

Бундай кўрсатманинг сифатли бажарилишида Республикамининг бир қатор олий таълим муассасаларида фаолият юритаётган “Касб таълими” йўналишларининг маъсулияти ҳам алоҳидадир. Бугунги кундаги илм-фан, ишлаб чиқаришнинг юксак тараққиёти ҳам олий таълим муассасаларида тайёрланаётган касб таълими ўқитувчилари зиммасига катта маъсулият юклайди.

Ўрта махсус, касб-хунар коллежларини моддий-техник базаси турли замонавий технологиялар ва лаборатория дастгоҳлари билан жиҳозланганлик даражаси бўйича янги типдаги таълим муассасаларига айлангандан кейин таълим сифати ва самарадорлигини таъминлаш кўп жиҳатдан ўқитувчининг маҳорати ва малакасига боғлиқ бўлиб қолди.

Асосий қисм. Замонавий касб таълими ўқитувчисини учун ўз соҳаси бўйича касбий билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштирганлиги билан бирга, унинг ўзидаги билим, кўникма ва малакаларни ўқувчиларга қай даражада моҳирона тушунтира (етказа) олиш қобилияти ҳам муҳим роль ўйнайди. Бу қобилиятни шакллантириш олий таълим муассасаларида касб таълими ўқитувчиларини методик фаолиятга тайёрлаш жараёнида амалга оширилади.

Касб таълими ўқитувчисини методик фаолиятга тайёрлашнинг мақсади – бўлажак касб таълими ўқитувчисига касб-хунар коллежи ўқувчиларига таълим ва тарбия беришда фойдаланиладиган касбий билим, кўникма ва малакаларни юксак даражада қарор топтиришдир.

Олий таълим муассасаларида бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тайёргарлик мезонлари, босқичлари тур-

лари олимлар Н.А. Муслимов [2], Ў.Қ. Толипов [3], Ш.С. Шарипов [4] ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида ўрганилган ҳамда ривожлантирилган.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими учун касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш жараёни билан умумий ўрта таълим тизими учун педагоглар тайёрлаш жараёни ўртасида айрим фарқлар мавжуд. Хусусан, олий таълим муассасаларида касб таълими йўналишларининг талабалари томонидан касб-хунар коллежлари ўқув режасида кўзда тутилган 6–7 гача умумкасбий ва махсус фанлар бўйича касб таълими методикаси ўрганилади. Айни шу ҳолат касб таълими ўқитувчисини методик фаолиятга тайёрлашда ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олишни тақозо этади.

Олий таълим муассасаларида касб таълими ўқитувчиларини методик фаолиятга тайёрлаш мураккаб таркибий тузилма бўлиб, у ўзининг бир неча компонентларига эга. Касб таълими бакалаврият таълим йўналишлари бўйича касб таълими ўқитувчиларини методик фаолиятга тайёрлаш куйидаги таркибий компонентларга эга [5]:

- педагогик-психологик фанлар блоки;
- касб-хунар коллежларида ўтказиладиган педагогик амалиётлар;
- битирув малакавий ишининг методик қисми.

Методик фаолиятга тайёрлаш тизимини ташкил этувчи педагогик-психологик фанлар таълим йўналишларининг ўқув режаси мазмунида кўрсатиб ўтилган бўлиб, бугунги кунда асосан “Касбий психология”, “Касбий педагогика”, “Таълим технологиялари”, “Касб таълими методикаси” каби ўқув фанларини ўз ичига олади.

Педагогик-психологик блокдаги ўқув фанларнинг ўзаро боғлиқлиги ўқув жараёнининг самарадорлигига таъсир этувчи омиллардан ҳисобланади. Шу сабабли ушбу блокдаги ҳар бир ўқув фанининг ўқув режада тўғри кетма-кетликда ва бир бирига узвий боғлиқликда аниқ қилиб белгиланиши касбий таълим назарияси ва амалиётининг келгуси ривожланишидаги зарурий шарт ҳисобланади.

Бўлажак касб-таълими ўқитувчиларини методик фаолиятга тайёрлаш тизимининг асосий фанларидан бири ҳисобланган “Касб таълими методикаси” фани ўқитилиши бошлангунга қадар талабалар педагогик-психологик фанлар блокинни ташкил этувчи “Касбий психология”, “Касбий педагогика”, “Таълим технологиялари” каби ўқув фанларини ўқиб тугатган бўлишлари ва ўз йўналишларидаги кичик мутахассиснинг ишлаб чиқариш фаолиятига хос таркибий элементлар ҳамда мазмун ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишлари шарт. Шу сабабли, “Касб таълими методикаси” фани педагогик-психологик блокдаги ўқув фанларининг якуний босқичи сифатида ўқитилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

“Касб таълими методикаси” фани талабаларнинг педагогик-психологик, умумқасбий ва ихтисослик фанлардан олган билим ва кўникмаларини амалга тадбиқ этиш, касб-ҳунар коллежларида касбий фанлардан дарс беришнинг шарт-шароитлари, ташкилий шакллари ҳамда методлари, шунингдек, уларга оид режалаштирувчи ҳужжатлар мазмуни билан таништирувчи, уларни тайёрлашни ўргатувчи фан бўлиб ҳисобланади.

Касб таълими йўналишида бўлажак касб таълими ўқитувчиларни тайёрлаш ҳозирги кунда Республикамиздаги ТошДПУ, ТошДИУ, ТошДАУ, ТТЕСИ, ТошДТА, ТИМИ, БухМТИ, НамМПИ ва бошқа бир қатор олий таълим муассасаларида тайёрланиб келинмоқда. Юқоридаги олий таълим муассасаларида “Касб таълими методикаси” фанини ўқитиш мазмуни ўзлари учун таянч ҳисобланган бир қатор ОТМларда ишлаб чиқилган намунавий ўқув режа ва ўқув дастурлари асосида ташкил этилмоқда. Бакалавриятнинг Касб таълими (5320300-технологик машина ва жиҳозлар, Касб таълими (5230100-иқтисодиёт), Касб таълими (5330200-информатика ва ахборот технологиялари), Касб таълими (5320900-енгил саноат буюмлари конструкцияси ва ишлаш технологияси) Касб таълими (5630100-қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш), Касб таълими (5320400-кимёвий технология), Касб таълими (5320200-муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи), Касб таълими (5111033-сув хўжалиги ва мелиорация), Касб таълими (5111020-ер тузиш ва ер кадастри) ва бошқа касб таълими йўналишлари учун ишлаб чиқилган “Касб таълими методикаси” фани намунавий ўқув дастурларининг таҳлили шуни кўрсатадики, уларнинг мазмуни ва мавзуларнинг кетма-кетлиги бир-биридан тубдан фарқ қилмоқда. Ушбу фан ўқув режада “Касб таълими методикаси” деб номлансада, намунавий ўқув дастурлар-

да маъруза, амалий, семинар машғулотларининг мазмуни, мавзуларнинг ўқитилиш кетма-кетлиги бир-биридан бирмунча фарқ қилади, ўқув дастурларини тузишда умумийлик йўқ. Ваҳоланки, ДТСларда ушбу фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар ягона қилиб белгиланган. Бу жиҳатдан Низомий номидаги ТДПУ тамонидан Касб таълими (5320100-технологик машина ва жиҳозлар) йўналиши учун ишлаб чиқилган намунавий ўқув дастури бирмунча универсаллика эга.

Касб таълими йўналишларининг амалдаги ўқув режаларида “Касб таълими методикаси” фанини ўқитилиши асосан 6-7 семестрларга режалаштирилган. 6-семестрда касб таълими методикасининг умумий масалалари: фаннинг мақсади ва вазибалари; касб таълими методикасининг тадқиқот методлари; касб таълими методикаси тамойиллари; ўрта махсус касб ҳунар таълими мазмуни; ўқув-режалаштириш ҳужжатлари; таълим методлари; таълим воситалари; таълим шакллари; ўқувчилар билимини назорат қилиш ва баҳолаш методлари ўрганилса. 7-семестрда касб-ҳунар коллежларида ўқитиладиган ва ўқув режасидан ўрин олган касбий фанларни ўқитишнинг хусусий методикаси ўрганилиши назарда тутилади. Демак, фан қисмлари кўрсатиб ўтилган семестрларда узвий кетма-кетликда ва мазмунан бир-бирини тўлдирувчи ҳамда давом эттирувчи сифатида ўқитилиши лозим.

Хулоса. Олий таълим муассасаларида “Касб таълими методикаси” фанини ўқитишнинг ҳозирги ҳолати таҳлили ушбу фанни ўқитишнинг ягона назарий методик асосларини мустаҳкамлаш, фанни ўқитишда барча таълим йўналишлари учун ягона универсалликка эга бўлган методикага асосланган ўқув дастурини яратишни талаб этади.

Юқорида баён этилган мулоҳазалар асосида айтиш мумкинки, бўлажак касб таълими ўқитувчисининг методик фаолиятга тайёрлаш педагогик фаолиятнинг энг муҳим таркибий қисми бўлиб, у касбий билим, кўникма ва малакаларни, шунингдек, унга боғлиқ бўлган фаолиятга хос характер сифатлар, қобилиятлар, қизиқишлари ва бошқаларни шакллантиришга йўналтирилган бўлиши керак. Бу ўринда олий таълим муассасаларида касб таълими бакалаврият йўналишларида ўқитиладиган “Касб таълими методикаси” фанини ўқитишнинг шаклан ва мазмунан тўғри ташкил этилиши, ушбу фанни барча касб таълими йўналишлари учун умумдидактик талабларга асосланган универсал методика асосида ўқитиш муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори. Тошкент, 2012 й, 28-май.
2. Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари. Пед. фан. докт. ... дисс. – Т.: 2006
3. Толипов Ў. Қ. Олий педагогик таълим тизимида умуммехнат ва касбий кўникма ва малакаларни ривожлантиришнинг педагогик технологиялари: Пед. фан. докт. ... дисс. – Т.: 2004
4. Шарипов Ш.С. Ўқувчилар касбий ижодқорлиги узвийлигини таъминлашнинг назарияси ва амалиёти. Пед. фан. докт. ... дисс. –Т.: 2012
5. Исмоилова З.К., Махсудов П.М. Бўлажак касб таълими ўқитувчисини методик фаолиятга тайёрлаш тизими таҳлили. “Таълим муаммолари” журнали. Тошкент, №2, 2014 й.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2013 ЙИЛ 21 НОЯБРДАГИ “ОСИЁ ТАРАҚИЁТ БАНКИ ИШТИРОКИДА АМУ-БУХОРО ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТИКЛАШ ЛОЙҲАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА БИРИНЧИ ГАЛДАГИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА” ГИ ПҚ 2073 – СОНЛИ ҲАМДА 2014 ЙИЛ 28 МАРТДАГИ ПҚ-2156 – СОНЛИ ҚАРОРЛАРИ ИЖРОСИ

Бухоро вилояти Республикада тўлиқ насос станциялари ёрдамида суғориладиган ягона ҳудуд ҳисобланади. Шу сабабли насос станцияларининг суғориш тизимидаги ўрни ўта масъулиятлидир. 1965 йилда «Аму-Бухоро-I» (собиқ «Ҳамза-1») ва «Қуйи Мозор», 1972 йилда «Аму-Бухоро-II» (собиқ «Ҳамза-2»), 1975 йилда «Қизилтепа». 1982 йилда «Жайхун» ҳамда «Қизилтепа-I» насос станциялари фойдаланишга топширилган бўлиб, улардан узоқ йиллар фойдаланилиш оқибатида насос станцияларини ускуна ва иншоотлари эскириб, яроқсиз ҳолатга келган. Экинларнинг сувга бўлган талаби кучайган вақтда насос станциялари тўхтаб қолиши, улардаги сув тақсимлаш ва ўлчаш мосламаларининг яроқсиз ҳолга келиб қолгани сабабли катта харажатлар эвазига келтириладиган сувнинг суғориш тармоқларида кўп миқдорда исроф бўлишига, у ўз навбатида, деҳқонларнинг меҳнати самарасиз яқунланишида ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида асосий тўсиқлардан бирига айланган эди.

Шу муносабат билан мазкур муаммоларни ҳал этиш мақсадида 2013 йил 21 ноябрда Осиё тарақиёт банкнинг Директорлар кенгаши Ўзбекистон Республикасига “Аму-Бухоро ирригация тизимларини қайта тиклаш” лойиҳаси учун 25 йил муддатга 217 миллион АҚШ доллар миқдорида заём берилиб, уни амалга ошириш муддатини 2014-2020 йиллар этиб белгилади. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ушбу лойиҳани амалга оширишдаги улуши 80 миллион АҚШ доллар эквивалентида бўлиши келишилиб, ушбу харажатлар солиқ, божхона, давлат бюджетидан фоиз ва комиссия тўловлари шунингдек, лойиҳани амалга ошириш муддатларидаги насос станцияларини эксплуатация қилиш харажатларини ўз ичига олди.

2013 йил 21-ноябрида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг “Осиё тарақиёт банки иштирокида Аму-Бухоро ирригация тизимларини қайта тиклаш лойиҳасини амалга ошириш бўйича биринчи галдаги чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-2073 сонли, 2014 йил 28-мартда “Осиё тарақиёт банки иштирокида Аму-Бухоро ирригация тизимларини қайта тиклаш лойиҳасини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-2156 сонли қарорлари имзоланди. Лойиҳанинг умумий қиймати 406 миллион АҚШ доллари бўлиб, шундан Осиё тарақиёт банкининг улуши 217 миллион, Япония Халқаро Ҳамкорлик Агентлигининг (ДЖАЙКА) улуши 109 миллион, Ўзбекистон Республикаси улуши 80 миллион АҚШ долларини ташкил қилди.

Лойиҳа тўлиқ амалга оширилиши натижасида куйидаги кўрсаткичларга эришилиши кўзда тутилган:

- Аму-Бухоро машина каналига боғланган умумий суғориладиган майдонлар - 315 минг гектарни ва ичимлик сувидан фойдаланувчилар сони 725 минг кишини ташкил этади. Бухоро вилоятидаги 275 минг гектар ва Навоий вилоятидаги 40 минг гектар ерларни суғориш учун кафолатли сув етказиб бериш мақсадида «Аму-Бухоро-I» ва «Жайхун» насос станциялари ўрнига янгисини қуриш, шунингдек, «Аму-Бухоро-II», «Қуйи Мозор», «Қизилтепа» ва «Қизилтепа-I» насос станциялари модернизация ва реконструкция қилинади (1-расм).

- Насослар билан бериладиган сув миқдорини ҳозирги 4080 км³ дан (ўртача 2006-2011-йилларда) 3850 км³ га

камайтириш, 10 та гидроузелдаги 36 та сувни бошқариш иншоотларини модернизация ва реконструкция қилиш орқали Аму-Бухоро машина каналининг сув ўтказиш қобилиятини оширилади. Тизимдаги сув исрофгарчилигини камайтириш мақсадида, Аму-Бухоро машина канали бўйича сув ҳисоблаш ускуналарини сошлаш ҳамда симсиз алоқа тизимларини ўрнатилди. Ички хўжалик ва хўжалик лараро каналларни ҳамда улардаги сув иншоотларини модернизация ва реконструкция қилиш орқали, лойиҳа ҳудудида ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланиш имкониятлари оширилиб деҳқончиликдаги



1-расм. Реконструкция қилинадиган насос станцияларнинг ички кўриниши

илғор тажрибаларни ва сув тежовчи усулларни қўлланилади (2-расм).

Электр энергиясидан фойдаланиш самарадорлигини ҳозирги 72,0 фоиздан 87,0 фоизгача оширилади, ёки электр энергияси сарфини 15,0 фоизга камайтиришга эришилади.

• Аму-Бухоро машина канали тизимидаги магистрал канал ва насос станцияларидан фойдаланиш ҳамда уларни бошқариш жараёнида электр энергияси ва сувдан самарали фойдаланишни таъминлаш учун масофадан ўлчаш ва асосий сув тарқатиш нуқталарида замонавий компьютерлар ёрдамида маълумотларни йиғиш ва бошқарув тизими жорий этилади.

Ҳозирги вақтда Аму-Бухоро-I насос станциясини қуриш шартномаси баҳолаш яқунланиб, голиб компания билан шартнома имзолаш жараёни амалга оширилмоқда.

«Қизилтепа» ва «Қуйи Мозор» насос станцияларини реконструкция қилиш бўйича 2016 йил 21 декабрь куни тендер



Ҳозирги ҳолат



Реконструкциядан олдинги ҳолат

2-расм. Сув тўсувчи иншоот (ПК19+88)

ғолиби бўлган Hebei Construction Group (Хитой) компанияси билан шартнома имзоланган. Ҳозирги кунда лойиҳалаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Қизилтепа-1 насос станциясини реконструкция қилиш бўйича тендер ҳужжатлари тайёрланган. Аму-Бухоро магистрал каналидаги гидротехник иншоотларни реконструкция қилиш бўйича “Когонсувқурилиш” МЧЖ ва “Амубухороканалқурилиш” АЖ консорциуми билан контракт имзоланди. Контрактга биноан 10 та гидроузелдаги “Двойник”, “Сброс 1 АБМК1” да, “Сброс 2 АБМК1” да, “Тройник”, “Пересечение”, “Прокоп”, “Хархур”, “Тошработ”, “Ростгўй”, “Жилвон” ва бошқа 36 та иншоотда қурилиш ва реконструкция қилиш ишларини бажариш кўзда тутилган.

Бугунги кунда лазер ёрдамида ер текислаш – 60 гектар майдонда, чуқур (60,70 см) юмшатиш ишлари – 60 гектар майдонда тўлиқ бажарилди. 15,54 км узунликдаги каналларни тозалаш ва улардаги 99 та сув ростлаш ҳамда сув ўлчаш иншоотларини қуриш ишлари амалга оширилди.

Лойиҳа доирасида кўргазмали дала майдонларини ташкил этиш ва ушбу майдонларда илғор ресурстежамкор технологияларни қўллаш ҳамда атрофдаги фермерларга намоиш этиш кўзда тутилган. Шу мақсадда Бухоро туманидаги “Қуйи Ғозиобод” Сув истеъмолчилари уюшма ҳудудидаги “Дилноз ўғли Абдухалил” фермер хўжалигидан 21 гектар, Вобкент туманидаги “Мирсулаймон ариғи” Сув истеъмолчилари уюшма ҳудудидаги “Вафо” фермер хўжалигидан 22,71 гектар ҳамда Ромитан туманидаги “Ўтабек сув йўллари” Сув истеъмолчилари уюшмасидаги “Ёмғир” фермер хўжалигидан 22,28 гектар экин майдонлари танлаб олинган (3-расм).



3-расм. Кўргазмали дала майдонларининг кўриниши

Кўргазмали дала майдонларида: “Дилноз ўғли Абдухалил” фермер хўжалиги 2,81 гектар (ярим пакана шафтоли), Вобкент туманидаги “Вафо” фермер хўжалиги 4,76 гектар (ярим пакана қароли), Ромитан туманидаги “Ёмғир” фермер хўжалиги 5 гектар (узум) интенсив боғлари ташкил этилди. Шунингдек, шамолдан ҳимоя қилувчи дарахт кўчатлари ўтқазилди.

Сув истеъмолчилари уюшмаларининг салоҳиятини ошириш мақсадида ўқув тренинглари ташкил этилган. Лойиҳа доирасида Бухоро ва Навоий вилоятларидаги 23 та Сув истеъмолчилари уюшмаларда ўқитиш ва малака ошириш ишлари амалга оширилмоқда (4-расм).



4-расм. Бухоро ва Навоий вилоятларида ташкил этилган ўқитиш ва малака ошириш тренинглари

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА ЕРЛАРНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ ВА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ ДАВЛАТ ДАСТУРИНИНГ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА КЎРГАЗМАЛИ АМАЛИЙ СЕМИНАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 19 апрелдаги “2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1958-сон қарори ижросини сўзсиз таъминлаш мақсадида, Тошкент вилоятида томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этишнинг ҳар йилги давлат дастурини ҳамда ҳудудий манзилий дастурларини шакллантириш бўйича вилоятда 2017 йилда томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш режаси 847 гектар, 2017 йилда ғўза ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини кўчма эгилувчан қувур ёрдамида суғориш технологиясини жорий қилиш 1400 гектар ва 2015 йилда ғўза ва бошқа қатор ораларига ишлов бериладиган қишлоқ хўжалиги экинларини эгатга плёнка ёзиб суғориш технология сини жорий қилиш режаси 2000 гектар қилиб белгиланган. Юқорида келтирилган топшириққа асосан 2016 йилда Томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш бўйича вилоятнинг 11 та туманларининг 22 та фермер хўжаликлари ва бошқа ташкилотларида 400 гектар майдонда жорий этиш режалаштирилган.

Технологияни жорий этиш бўйича 24 та фермер хўжаликлари ва бошқа ташкилотлар томонидан ўз маблағлари ҳисобидан, 25 та фермер хўжаликлари ва бошқа ташкилотлар томонидан 402 гектар (100,2%) майдонда технология ишга туширилган. 2016 йилда ғўза ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини кўчма эгилувчан қувур ёрдамида суғориш технологиясини жорий қилиш манзилий дастурига асосан 8 туманнинг 68 та фермер хўжаликларида жами 700 гектарга режалаштирилган.

Технологияни жорий этиш бўйича фермер хўжаликлари ўз маблағлари ҳисобидан қурадиган бўлиб, Қувур етказиб бериш бўйича 78 та фермер хўжаликлари томонидан 900 гектар (100%) майдонда технология ишга туширилган.



Тошкент вилоятида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича эришилган натижалар ва соҳада орттирилган кўп



йиллик тажрибаларни эътиборга олиб, Давлат дастурининг сўзсиз ижросини таъминлаш, соҳа бўйича тажриба ҳамда фикр алмашиш мақсадида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Тошкент вилояти ҳокимлиги томонидан 2017 йилнинг 26-феврал куни Тошкент вилоятида республика кўргазмали-амалий семинар ташкил этилди.

Семинарда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда унинг тизимидаги сув хўжалиги ташкилотлари, шунингдек Тошкент ирригация ва мелиорация институти, ИСМИТИ, лойиҳа институтлари раҳбарлари ва олимлари ҳамда Германия халқаро ҳамкорлик агентлигининг вакиллари иштирок этдилар.

Семинар иштирокчилари Тошкент вилоятидаги Бўзсув ирригация тизими бошқармаси, Қибрай туманидаги «Тош-



ГРЭС» насос станцияси, фаолияти билан танишдилар. Шунингдек, семинар давомида ирригация-мелиорация ишларини ташкил қилиш, насос станциялар, каналлар, гидротехника иншоотлари, коллектор-дренаж тармоқлари бўйларини ободонлаштириш, сув фонди ерларидан самарали фойдаланиб, қишлоқ хўжалиги ва чорва маҳсулотларини етиштириш, сув омборлари ва сунъий қўлларда интенсив технология асосида балиқ етиштириш ишларини қўрдилар.



Оққўрғон гидроузели ва Таловул гидроиншооти. Оққўрғон гидроузели 1967 йилдан фойдаланишга топширилган бўлиб, Охонгарон дарёсининг қуйи қисмида, яъни Оққўрғон тумани марказидан 5 км узоқликда жойлашган. Гидроузелда 8 та 8 х 2,5 м бўлган шитли плотина мавжуд ва ундан $Q=1020 \text{ м}^3/\text{с}$ сув сарфи оқиб ўтишга мўлжалланган. Гидроузел РК-10 ($Q=17 \text{ м}^3/\text{с}$), Шамалак ($Q=6,0 \text{ м}^3/\text{с}$) ва Киров ($Q=1,0 \text{ м}^3/\text{с}$) каналларига сув таксимлаб беради. Умумий сув етказиб берувчи майдони лойиха бўйича 19600 гектарни ташкил этади. Эксплуатация ташкилоти “Паркент-Қорасув” ИТБ. Гидроузел III-синф иншоотиға қиради.



ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА МАВЖУД МЕЛИОРАТИВ ТАРМОҚЛАР БИЙЧА ҚЎРСАТКИЧЛАР	
Вилоят бўйича суғориладиган майдонлар	386821 га.
Жами коллектор тармоқлари	33071 км.
Мелиоратив насос станциялари	2 дона.
Виллоятда дренаж олувчилари	48 дона.
Култув олувчилари	1007 дона.
2016 йилнинг 1-сентябр ҳолатига суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати:	
Ер ости сиват суwlари сатхи бўйича:	
0,0-1 метрча бўлган майдонлар	1900 га.
1,0-2,0 метрча бўлган майдонлар	36910 га.
2,0-3,0 метрча бўлган майдонлар	149160 га.
3,0 метрдан паст бўлган майдонлар	149160 га.
Тупроқ суғориладиган дареваси бўйича:	
Жами суғориладиган майдонлар	10787 га.
Шулар:	
Жами суғориладиган майдонлар	9192 га.
Жами суғориладиган майдонлар	1627 га.
Урта суғориладиган майдонлар	44 га.
Кучли суғориладиган майдонлар	
“Янгийўлда” мажмуасида:	
Мелиоратив объектларнинг реконструкция қилини	2,211 миля. 0,7м
Мелиоратив объектларнинг таъмир-таътири	1,248 миля. 0,7м
Мелиоратив объектларнинг таъмир-таътири	2,283 миля. 0,7м
Ирригация объектларининг реконструкция қилини	2,283 миля. 0,7м
Бошқа объектлар	1,248 миля. 0,7м

Оққўрғон гидроузелида 6 нафар ишчи ҳодим хизмат кўрсатади. Гидроузелда ишчи ҳодимларни доимий рағбатлантириб бориш мақсадида ёрдамчи хўжалик ташкил этилган. Ҳозирги кунда гидроузелда 100 та товук, 10 дона қўй, 30 та ўрдак боқилмоқда. Шунингдек, Плёнка остига жами 0,75 га ер майдонга саримсоқ пиёз, пиёз ва бошқа сабзавот экинлари экилган. Шунингдек, гидроузелда 1 га майдонда балиқ хўжалиги ташкил этилган. Унда Толстоблик балиқлари етиштирилиб, ишчи ҳодимларга рағбат-



лантириш учун тарқатилмоқда. Таловул ташламаси Хон каналининг ПК 174+31да жойлашган бўлиб, у фавкулотда ҳолатда Хон канали сувини Охонгарон дарёсига ташлашга мўлжалланган. Умумий узунлиги 3670 метр. Таловул гидроузелида ишчи ҳодимларни доимий рағбатлантириб бориш мақсадида ёрдамчи хўжалик ташкил этилган. Ҳозирги кунда гидроузелда 100 та товук, 5 дона қўй, 50 та куён боқилмоқда. Шунингдек, жами 0,25 га ер майдонга саримсоқ пиёз, пиёз, редиска ва бошқа сабзавот экинлари экилган. Шунингдек, гидроузелда доимий равишда ободонлаштириш ишлари олиб борилиб, шу кунгача 100 дона манзарали экинлар экилган.

Замонавий тараққиёт мезонлари асосида шарт-шароитлар яратилаётган мелиоратив объектларнинг мукамал ҳолатда сақлаш, ишлаш муддатини узайтириш ишлари ҳам доимий эътиборда. Шу мақсадда биргина жорий йилнинг ўтган даврида 85 км узунликдаги коллектор тармоқлари қирғоқбўйи минтақаларида ободонлаштириш ишлари олиб борилган. Айни жараёнда 100 мингдан зиёд мевали ва манзарали дарахтлар экилган.

Семинар давомида Зангиота туманидаги ягона электрон ахборот тизимига эга бўлган “Мониторинг маркази” орқали Сув истеъмолчилари уюшмалари ва фермер хўжаликлари ўртасида шартномавий муносабатларни йўлга қўйилиши билан ҳам танишдилар.





Айни пайтда мониторинг марказида маълумотлар электрон шаклда ахборот тизимига тақдим этилиб, берилган топшириқлар ўз вақтида ва сифатли бажарилишига эришиб келинмоқда.

Қуйичирчиқ, Ҳртачирчиқ ва бошқа туманларда сувни бошқариш, ирригация тизими ва суғориш тармоқларини таъмирлаш, сув олиш жойларини сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозлаш, томчилатиб суғориш, ғўза ва бошқа экинларини суғоришда сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш каби муҳим масалалар яқиндан ўрганилди.



Минтақавий кўргазмали семинар мобайнида қатнашчилар вилоятда ресурсларини бошқариш ҳамда меъёрий ҳужжатлар билан ишлаш, пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш ишлари мониторингини юритиш тартиби билан яқиндан танишиш имконига эга



бўлишди. Тошкент вилоятининг Ҳртачирчиқ туманидаги “Голден фрут” МЧЖ 109 гектар майдонда интенсив боғ майдонларида жорий этилган томчилатиб суғориш технологиялари билан танишиш, сув хўжалиги ташкилотларида боғдорчилик, узумчилик, сабзавот ва полиз экинлари, иссиқхоналар барпо этиш, балиқчиликни ривожлантириш тажрибаси, коллекторлар қирғоқ бўйи минтақаларини ободонлаштириш, реконструкция қилиш ишларидаги ютуқларни ўрганиш каби бир қатор тадбирлар шулар жумласидандир.

Семинар якунида Тошкент вилоятида эришилаётган



ютуқлар сарҳисоб этилиб, мутахассислар ўзаро фикр-мулоҳаза алмашишди ва 2017 йил вегетация даврини муваффақиятли ўтказиш ҳамда Давлат дастурида белгилаб берилган кўрсаткичлар ижросини сўзсиз таъминлаш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинди.

**“IRRIGATSIYA va MELIORATSIYA” журналида чоп этиш учун мақолаларни
расмийлаштиришга қўйиладиган
ТАЛАБЛАР**

1. Таҳририятга тақдим этилаётган қўлёзма бўйича муаллиф илмий-тадқиқот иши олиб бораётган ташкилот раҳбариятининг йўлланма хати, мақолани чоп этиш мумкинлиги ҳақидаги эксперт хулосаси ҳамда тақриз бўлиши керак. Мақола ўзбек, рус ёки инглиз тилида ёзилиши мумкин. Мақола номи ҳамда унинг 10-12 қатор хажмдаги аннотацияси ўзбек, инглиз ва рус тилларида берилиши лозим.

2. Таҳририятга қўлёзма матни икки нусхада топширилади, икки нусха ҳам барча муаллифлартомонидан имзоланади. Мақоланинг электрон кўриниши ҳам тақдим этилади. Мақола муаллифларининг фамилиялари, исм-шарфлари, иш жойи ва вазовими, манзиллари, электрон манзиллари (E-mail) ҳамда хизмат ва уяли телефон рақамлари кўрсатилган маълумотнома берилади.

3. Мақолалар матни “MS Word 2003” дастурида “Times New Roman” шрифтида 12 ўлчамда терилган бўлиши керак.

4. Мақола хажми бир интервалда босилган матн ҳисобида (жадваллар, расмлар ва адабиётлар рўйхати билан биргаллик) 6 бетдан ошмаслиги керак. Айрим ҳолларда, агар муайян мавзу бўйича мақолага буюртма берилган бўлса, мақола хажми кўпроқ бўлиши мумкин. Матн чегараси ўлчами: юқори ва пастдан – 2,0 см, чапдан – 3,0 см, ўнгдан 1.5 см бўлиши керак.

5. Мақола бошида (берилган ўлчамда бош ҳарфда, ўртада, қалин қилиб) мақоланинг номи, ундан кейинги қаторда муаллиф(лар)нинг фамилияси ва исм-шарифи, иш жойи (ОТМ, ташкилот муассаса номи) кичик босма ҳарфда терилади. Кейинги қатордан 10-12 қатор хажмдаги мақола аннотацияси ўзбек, рус ва инглиз тилларда ёзилади. Бир интервалдан сўнг мақола матни терилади.

6. Мақола бўлим ва пунктларга бўлиниши мумкин. Бўлимларнинг номи қалин шрифтда алоҳида қаторда тегишли равишда кичик босма (қалин) ҳарфлар билан терилиб, матн чап томонидан текисланади. Пунктлар номи матннинг биринчи қаторига (қалин қилиб) киритилади. Мақола якунида хулоса ва тавсиялар берилиши керак.

7. Адабиётлар рўйхати мақола охирида, матндаги хаволалар кетма-кетлиги тартибида берилади. Адабиётлар рўйхатида қуйидагилар кўрсатилади: а) журналда босилган мақолалар ва маъруза тезислари учун – муаллифнинг фамилияси, исми шарфи, мақоланинг номи, журналнинг номи, нашр йили, сони ёки қисми ва бетлари; б) китоблар учун – муаллифнинг фамилияси, исми шарифи, китобнинг номи, нашр жойи (шаҳар), нашриёт номи, нашр йили, бетлари.

8. Таҳририят барча мақолаларни тақриздан ўтказиши керак.

9. Юқоридаги талабларга жавоб бермайдиган мақолалар кўриб чиқишга қабул қилинмайди ва чоп этишга тавсия қилинмаган мақолалар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолани кўриб чиқиш натижаларини муаллиф мақола таҳририятга келиб тушган кундан бошлаб бир ой ўтгандан кейин 237-19-78 телефон орқали билиши мумкин. E-mail: i_m_jurnal@tiim.uz.

Мақолаларда келтирилган маълумотларнинг ҳаққонийлигига муаллиф(лар) жавобгардир.

Таҳририят манзили: 100000. Тошкент шаҳри, Қори Ниёзий кўчаси, 39. Тошкент ирригация ва мелиорация институти, 11-бино, 220-хона. E-mail: i_m_jurnal@tiim.uz.

ТАҲРИРИЯТ

ТРЕБОВАНИЯ

по оформлению статей для публикации в журнале “Ирригация и мелиорация”

1. Вместе с рукописью статьи автор представляет в редакцию сопроводительное письмо организации о том, что автор занимается научно-исследовательской работой, экспертное заключение о возможности публикации статьи и отзыв. Статья может быть написана на узбекском, русском и английском языках. Название статьи и его аннотация объёмом 10 – 12 строк должны сопровождаться переводом на узбекский, русский и английский языки.

2. В редакцию рукопись статьи сдаётся в двух экземплярах, оба экземпляра подписываются всеми авторами. Предлагается также электронный вариант статьи. Авторы статей дают сведения о себе: фамилии, имя и отчество, место работы и должность, адреса, электронные адреса (E-mail), а также номера служебного и сотового телефонов.

3. Статьи должны быть набраны по инструкции (программе) “MS WORD 2003” в размере шрифта 12 “Times New Roman”.

4. Общий объём статьи, напечатанной в одном интервале (таблицы, рисунки и список использованной литературы в том числе) не должен превышать 6 страниц. В отдельных случаях, если по рассматриваемой в статье теме сделан отдельный заказ, объём статьи может быть увеличен. Размеры ограничений текста: поля сверху и снизу – 2,0 см, слева – 3,0 см, справа – 1,5 см.

5. В начале статьи (в данном размере шрифта с заглавной буквы, в середине, жирно) даётся название статьи, в следующем ряду фамилии, имена и отчество авторов, их место работы (название организации, НИИ и т.д.) маленькими печатными буквами. Со следующей строки печатается аннотация объёмом 10-12 строк на узбекском, русском и английском языках. Через один интервал печатается текст статьи.

6. Статья может иметь разделы и пункты. Названия разделов печатаются слева статьи жирным шрифтом в отдельном ряду и набираются строчными печатными (жирными) буквами. Названия пунктов пишутся толстым шрифтом в первом ряду текста. В конце статьи даются выводы и предложения.

7. Список использованной литературы приводится в конце статьи, ссылки на литературу даются по порядку их появления в тексте. В списке литературы указывается следующее: а) в опубликованных статьях и тезисах докладов: фамилии, имена и отчества авторов, название статьи, название журнала, год издания, номер или часть его и страницы; б) для книг: фамилии, имена и отчества авторов, название книги, место издания (город), название издательства, год издания, страницы.

8. Редакция рецензирует все поступившие статьи.

9. Статьи, не отвечающие вышеуказанным требованиям к рассмотрению не принимаются и статьи не рекомендованные к изданию авторам не возвращаются.

О результатах рассмотрения статьи автор может обратиться через один месяц после поступления статьи в редакцию по телефону 237-19-78., E-mail: i_m_jurnal@tiim.uz.

За достоверность приведенных сведений в статьях отвечает автор(ы).

Адрес редакции: 100000, г.Ташкент, улица Кары-Ниязова, 39. Ташкентский институт ирригации и мелиорации, здание 11, комната 220. E-mail: i_m_jurnal@tiim.uz.

РЕДАКЦИЯ

